Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 195 (8935). • 1986 йил 14 октябрь • сешанба • Баҳоси 3 тийин

М. С. ГОРБАЧЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

РЕЙКЬЯВИК, 13 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 13 октябрь куни Рейкьявикдан жўнаб кетди.

Аэропортда Олий Совет меҳмони шарафига СССР ва Исландия давлат байроқлари кўтарилди.

Самолёт пиллапояси олдида М. С. Горбачевни Исландия Бош министри С. Херманнссон билан ташқи ишлар министри вазифасини бажарувчи Т. Паульссон кузатиб қолдилар. Кузатиб қолувчилар орасида СССРнинг Исландиядаги элчиси Е. А. Косарев, СССРнинг АҚШдаги элчиси Ю. В. Дубинин, Исландия ва Совет Иттифоқининг бошқа расмий кишилари бор эди.

Олий даражадаги Совет — Америка учрашувида қатнашган расмий кишилар: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари А. Ф. Добринин ва А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. С. Черняев, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари С. Ф. Ахромеев ҳам Рейкьявикдан жўнаб кетдилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 13 октябрь куни Рейкьявикдан Москвага қайтиб келди. У Рейкьявикда АҚШ Президенти Р. Рейган билан учрашди.

КПСС Марказий Комитетининг секретарлари А. Ф. Добринин ва А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. С. Черняев, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари С. Ф. Ахромеев М. С. Горбачев билан бирга қайтиб келдилар.

Аэропортда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, Н. В. Тализин, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. В. Зимянин, В. А. Медведев, Г. П. Разумовский, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси И. В. Капитонов, бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида АҚШнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Р. Комбс, Исландиянинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Б. Йонссон бор эдилар.

(ТАСС).

М. С. ГОРБАЧЕВнинг матбуот конференцияси

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Совет—Америка учрашувини ёритаётган журналистлар учун 12 октябрь куни Рейкьявикда матбуот конференцияси ўтказди.

М. С. Горбачев оммавий ахборот воситаларининг намояндаларига мурожаат этиб, бундай деди:

Салом, хонимлар ва жаноблар, ўртоқлар. Ҳаммангиз билан саломлашаман.

Бизнинг АҚШ Президенти Рейган жаноблари билан учрашувимиз бир соатча аввал тугалланди. Учрашув биз режалаштиргандан кўра сал кўпроқ давом этди. Иш шуни талаб қилди. Шу боисдан ҳам тайинланган вақтда матбуот конференциясига етиб кела олмаганим учун сизлардан узр сўрайман.

Учрашув совет раҳбарларининг ташаббуси билан ўтказилганини биласизлар. Аммо Рейган жаноблари розн бўлмаганида, табийки, учрашув ўтказилмаган бўлур эди. Шу сабабли буни мазкур учрашувни ўтказиш ҳақида биргаликдаги қароримиз, деса бўлади.

Энди учрашув тугади. Бир лаҳзада ҳамма гапнинг тагига етиш қийин дейдилар. Мен ҳозиргина учрашувдан келдим, унинг, айниқса, сўнггги босқичи қизғин мунозаралар билан ўтди. Ҳали ҳам мен шу мунозаралар таассуроти остида турибман. Шундай бўлса ҳам, мен ҳозирнинг ўзидаёқ таассуротларим билан ўртоқлашибгина қолмай, нималар бўлганининг маъзини чақишга ҳам интилиб кўраман. Ҳар ҳолда бу дастлабки таассуротлар, дастлабки фикрлар, дастлабки таҳлил бўлади. Ҳали бутун учрашувни обдон назардан ўтказиш лозим.

Катта учрашув бўлди, мен унинг мазмунини, унда жуда кенг миқёсда, жуда интенсив, манфаатдорлик билан муҳокама қилинган муаммоларни айтиб берганимда буни ўзингиз ҳис этасиз.

Учрашувда дўстона муҳит ҳукм сурди. Биз ўз қарашларимизни эркин ва бемалол баён этиш имкониятига эга бўлдик. Бу эса жаҳон сиёсатининг, икки томонлама муносабатларнинг кўпгина йирик проблемалари хусусидаги ва аввало, бутун дунё жамоатчилигининг диққат марказида турган масалалар — уруш ва тинчлик, ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш масалалари хусусидаги, хулласи шу мавзу жумласига кирадиган масалаларнинг бутун комплекси хусусидаги бир-биримизнинг фикрларимизни тушуниш доирасини кенгайтиришимизга имкон берди.

Мен учрашувнинг ўзини, мунозараларнинг мазмунини, томонларнинг таклифларини ва учрашувнинг якунларини бевосита таъриф-лашга ўтишдан аввал биз Рейкьявикдаги учрашувни ўтказиш тўғрисидаги ташаббус билан майдонга чиққанимизнинг боисни сизларга тушунтириб бермоқчиман.

Мен жаҳон матбуотини мунтазам ўқиб бораман ва шу кунларда учрашув ўтказиш тўғрисидаги хабар нақадар кўп фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлганини кўрдим. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ва АҚШ Президенти шаънига кўп гап айтилди, улар шошқалоқлик қилишмадими, бундай учрашувга зарурат бормиди, ким кимга ён берди, ким кимни доғда қолдиди ва ҳоказо ва ҳоказо саволлар берилди. Аммо бизнинг АҚШ Президентига дарҳол учраш тўғрисида қилган таклифимиз, аввало, қандай мулоҳазаларни кўзда тутганини ва унинг бу таклифи ижобий жавоб бериш ҳақидаги қарори нақадар салмоқли бўлганини биласиз.

Энди мен Женевани, илк бор учрашганимизни эслатиб ўтмоқчиман. У катта мулоқот бўлган эди, ораде анчагина вақт ўтганидан сўнг, ҳозирги пайтда ҳам биз уни — ўша Женева учрашувини худди шундай баҳолаяпмиз.

Эсингизда бўлса ўшанда биз тинчликни сақлаш учун СССР билан Америка Қўшма Штатларининг алоҳида масъулиятини эътироф қилган эдик ва ҳеч қаён ядро уруши бошланмасligи керак, бу урушда ғолиблар бўлиши мумкин эмас, деб биргаликда айтган эдик Бу — жуда катта аҳамиятга молик эътироф эди. Биз томонлардан ҳеч бири ҳарбий устунликка интилмайди, деган гапни ҳам айтган эдик. Бу ҳам жуда муҳим қайд этиш эди.

Женева учрашувидан кейин қарийб бир йил вақт ўтди. Совет раҳбарлари у ерда ўз зиммаларига олган мажбуриятларга содиқ бўлиб келдилар. Биз Женевадан қайтиб келгач, ўз мораторийимиз муддатини узайтирдик: бу мораторийни шу йилнинг 1 январигача эълон қилган эдик. 14 ойдан буён бизнинг полигонларимизда жимлик ҳукм сурмоқда, бу — Женевадаги ахдномаларга, тинчликнинг тақдири учун бўлган масъулиятимизга содиқлигимизнинг далили эмасми. Шу вақт ичида Невададаги портлашлар давом этганлигини, бу портлашлар ҳозир ҳам давом этаётганини эътиборга олганда, буларнинг ҳаммаси осон қарорлар эмас. 15 январда биз катта Баёнот бердик, унда ядро қуролини шу асрнинг охиригача тугатиш программаси асослаб берилди.

Шу йилнинг июнида Варшава Шартномаси давлатлари Европадаги оддий қуролларни ва қуролли кучларни кенг миқёсда қисқартириш тўғрисида йирик комплекс программани таклиф этдилар. Бу ҳам Ғарбий европаликлар ва Қўшма Штатлар билдирган ҳавотирликларни эътиборга олган ҳолда қўйилган катта қадам эди.

Биз Чернобиль аварияси-дан ҳам сабоқлар чиқариб, Венада МАГАТЭнинг фавқулодда сессиясини ўтказиш ташаббуси билан майдонга чиқдик. Бу сессия бўлиб ўтди, унинг якунлари сизларга маълум, бу — умидбахш якунлар бўлди. Энди биз ядро энергетикаси хавфсизлигининг кўпгина энг муҳим масалаларини ҳал этиш имконини берадиган халқаро механизмга эгамиз.

Бошқача қилиб айтганда, ўтган даврда биз ядро асрида янги тафаккурни шакллантиришга ёрдам бериш учун ҳамма ишни қилдик, — сиёсатимизни шундай баҳолаганимда муболаға берилаётганим йўқ, деб ўйлайман, чунки мен шунчаки ниятлар ҳақида эмас, балки фактлар ҳақида гапиряпман. Шу янги тафаккур куртаклари, жумладан, Европа заминида ҳам униб ўсаётганини мамнуният билан қайд этамиз. Бу нарса, хусусан, Стокгольм конференциясининг муваффақиятида намоён бўлди.

Эҳтимол, мен Президент Рейган билан Женевада эришилган ахдноманинг руҳи ва ҳарфига амал қилиб, рўёбга чиқарган конкрет ишларимиз рўйхатини шу билан тугатсам ҳам бўлар эди. Фактларнинг ўзи бизнинг Женевадаги ахдноналарга муносабатимиз жиддийлигини баҳолашингизга имкон беради, деб ўйлайман.

Хўш, мана шуларга қарамай, яна Рейкьявикда учрашиш нечун зарур бўлиб қолди, шу ташаббус сабаблари нималардан иборат бўлди.

Гап шундаки, дунёдаги вазиятда катта ўзгаришлар бўлиши хусусида ҳаммамиз кутган умидлар Женева учрашувидан кейин тез орада сўна бошлади ва бунинг учун асослар бор эди, деб ўйлайман. Совет—Америка музокаралари чоғида ҳар хил гаплар жуда кўп, эҳтимолки, ҳаддан ташқари кўп айтилган эди, бу музокаларда, кеча мен Президентга айтганимдек, ҳар қандай таклифларнинг 50—100 та варианти ўртага ташланган эди. Мана шунинг ўзиёқ у ердаги музокаларда олиб борилаётган мунозараларнинг самарадорлигига шубҳа туғдиради. Агар бир-иккита, борингки, учта вариант бўлганида эди, мунозара доирасини бирмунча торайтириб, асосий диққат эътиборни бирон-бир муҳим йўналишларни қидиришга қаратиш имконини берган бўлур эди, бунда мазкур изланишлар бирон-бир конкрет битимлар ва ҳукуматларга таклифлар тайёрлаш иложини топиш билан ниҳоясига етади, деб умид қилиш мумкин бўлур эди... Бироқ гарчи Женевада жаҳон сиёсатининг асосий масалалари муҳокама қилинаётган бўлса-да, бирон-бир конкрет битим ва таклиф ишлаб чиқилаётгани йўқ.

Кейинги вақтларда бу музокаралар, сирасини айтганда, бекорга олиб борилмоқда, аслида боши берк кўчага кириб қолди. Қуролланиш пойгаси давом этмоқда ва қандай оқибатларга — сиёсий ва ҳарбий оқибатларга олиб боришини олдиндан айтиб бўлмайдиган шу пойганинг янги давраси бошланиши муқаррар бўлган чегарага яқинлашиб қолинганлиги тобора равшанлашмоқда.

Мен юқорида тилга олган йирик ташаббусларимизни жаҳон жамоатчилиги кенг миқёсда маъқуллаб қутиб олди. Аммо Америка маъмурияти бу ташаббусларни муносиб равишда тушуниб етмади.

Вазият мушкуллашди, дунёдаги ташвиш яна орта бошлади. Жаҳон аҳли тугён урмоқда, десам муболаға бўлмайди, деб ўйлайман, — ўзларингиз ҳам буни кўриб турибсизлар. Жаҳон аҳли тугён урмоқда ва барча мамлакатларнинг, аввало йирик давлатларнинг раҳбарларидан, биринчи галда Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатларидан хатарли тенденцияни тўхтата оладиган сиёсий ирода, қатъият кўрсатишни талаб қилмоқда.

Хуллас, воқеаларнинг шу йўлдан боришини ўзгартириш учун нимадир қилиш керак эди. Шу мулоҳазалар билан биз: жараённи лозим бўлган йўналишга буриб юбориш учун янги туртки, қудратли туртки керак, деган хулосага келдик. Бундай омилларни фақат СССР ва Америка Қўшма Штатларининг раҳбарлари топиб беришлари мумкин эди. Айни шу боисдан мен Президент Рейганнинг 25 июлдаги мактубига жавобан уни зудлик билан учрашишга таклиф қилишга қарор бердим. Вазият тақозоси билан биз ҳамма ишларни бир-икки кун тўхтатиб қўйиб, дарҳол учрашув ўтказишимиз керак, деб ёздим.

Бу мактубни Президентга ўртоқ Шеварднадзе топширди.

Мана энди шу фавқулодда муҳим учрашув бўлиб ўтди. Кўп нарса бу учрашув якунларига боғлиқ бўлади, деб ўйлаган эдик. Шу боисдан ҳам учрашувга янги таклифлар билан келдик, албатта.

Хўш, биз Рейкьявикка қандай таклифлар олиб келдик?

Биз **таклифларнинг бутун бир мажмуасини** олиб келган эдик, шу таклифлар қабул қилинганида ҳақиқатан ҳам қисқа муддат ичида, айтишим мумкинки, ядро қуролини чеклаш учун қурашнинг ҳамма соҳаларида бурилиш ясаган бўлур эди ва ядро уруши хавфини реал равишда даф қилган, ядросиз дунё сари ҳаракат бошлашга имкон берган бўлур эди.

Мен Президентга, биз шу ердаёқ, Рейкьявикда ўз ташқи ишлар министрларимизга ва бошқа тегишли идораларга **учта битимнинг лойиҳасини** тайёрлаш ҳақида мажбурий топшириқлар берайлик, деб таклиф қилдим. Кейин биз бу битимларни менинг Америка Қўшма Штатларига визитим вақтида имзолашимиз мумкин бўлур эди.

Биринчиси — стратегик қурол юзасидан — бу қуролни камида 50 процент қисқартириш тўғрисидаги битим лойиҳаси. Бунда аср охиригача ана шу энг кўп ажал келтирадиган қуролни батамом тугатиш назарда тутилади. Биз жаҳон аҳлининг афкор оммани бир оз муддат тинчлантириб тура оладиган қандайдир арзимас қадамлар қўйишни эмас, балки ҳақиқатан ҳам катта қадамлар қўйишни, қуроллари кўп миқдорда қисқартиришни кутаётганига асосландик. Бутун дунёнинг, шу жумладан, Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари халқларининг манфаатларини кўзлаб, ҳақиқатан ҳам дадил, масъулиятли ҳаракатлар қилиш керак бўлган вақт келди.

Стратегик қурол хусусидаги битим лойиҳасини тайёрлаш топширилиши мумкин бўлган Совет ва Америка делегациялари унинг тарихан таркиб топган структурасини қисқартириши яхши ва ҳалол мувозанатлаштиришлари лозим бўлур эди. Бунда гап СҚЧ-2 шартномасини ишлаб чиқиш пайтидаёқ тан олинган уч нарса ҳақида бормоқда. Бироқ бу масалани Президент билан муҳокама қила бошлаганимизда, бунга жавобан яна Женева музокараларида рўкач қилинаётган нарсаларнинг ҳаммаси — ҳамма даражалар, кичик даражалар қалаштириб ташланди, хуллас, хилма-хил рақамлар тилга олинди, буларнинг ҳаммаси масаланинг моҳиятини чигаллаштириш учун қилинди. Шундан кейин биз бундай аниқлик киритдик: стратегик ҳужум қуролларининг ҳар бир қисми — Ердаги базаларда жойлаштирилган стратегик ракеталар, сув ости кемаларидаги стратегик ракеталар ва стратегик бомбардимончи самолётларнинг ярмисини қисқартирайлик, дедик.

(Давоми иккинчи бетда).

Суратларда: матбуот конференцияси ўтказилаётган пайт.

ТАСС телефотоси.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети, область Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети раҳбарлари, совхозлар ва колхозлар ўртасида пахта териш ва давлатга топшириш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1986 йил октябрь ойи биринчи ўн кунлиги якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Ғалаба районига. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 58,52 процент, шу жумладан машина терими планини 71,83 процент бажарди ва октябрнинг биринчи ўн кунлигида 48,62 процент ўсишни таъмин этди.

Байроқ Чиноз районидан олиб берилади.

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозига. Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 79,23 процент, шу жумладан машина терими планини 116,13 процент бажарди. Октябрнинг биринчи ўн кунлигида 69,64 процент ўсишни таъмин этди.

Байроқ Бекобод районидаги Навоий номли колхозидан олиб берилади.

Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхозга. Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 83,15 процент, шу жумладан машина терими планини 111,68 процент бажарди. Октябрнинг биринчи ўн кунлигида 67,22 процент ўсишни таъмин этди.

Байроқ Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидан олиб берилади.

Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозига. Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 68,06 процент, шу жумладан, машина терими планини 81,85 процент бажарди, октябрнинг биринчи ўн кунлигида 60,71 процент ўсишни таъмин этди.

Байроқ Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозидан олиб берилади.

Пахта теримида энг юқори кўрсаткичларга эришган қуйидаги механик-ҳайдовчиларнинг яхши ишлаганликлари қайд қилиб ўтилди.

Н. Норқулов — 193 тонна пахта терган, **У. Хўжамқулов** — 189 тонна пахта терган, Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан, **А. Ўразбоев** — 166 тонна, Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозидан, **Б. Мансуров** — 162 тонна терган, Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхозидан, **А. Сангилов** — 159 тонна, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозидан, **Э. Холтоев** — 157 тонна терган, Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозидан, **Э. Азимов** — 157 тонна терган, Бўка районидаги Жамбул номли колхозидан, **А. Абдусаматов** — 153 тонна терган, Пискент районидаги Охунбобоев номли колхозидан, **В. Вагапов** — 152 тонна терган, Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозидан.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 13 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун машина терими — бир кунлик, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Чиноз	2,24	91,00	2,26	88,34
Пискент	2,52	78,34	2,41	81,64
Ўрта Чирчиқ	2,05	76,22	2,35	96,16
Бекобод	2,03	72,17	1,58	71,07
Янгийўл	2,47	71,04	1,98	69,25
Оққўрғон	2,08	68,98	2,06	77,61
Коммунистик	1,35	67,96	1,68	86,35
Ғалаба	2,53	65,88	3,14	81,05
Бўка	2,45	63,93	2,36	73,28
Область бўйича:	2,23	71,46	2,24	79,38

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида маълумот (мавсум бошидан буён, планга нисбатан процент ҳисобида): Фарғона—77,33; Сирдарё—61,25; ҚҚАССР—59,39; Наманган—59,33; Сурхондарё—58,26; Хоразм—57,38; Бухоро—56,51; Жиззах—46,71; Самарқанд — 44,39; Андижон—42,58; Навоий — 36,06; Қашқадарё—34,75; республика бўйича — 54,67.

Афғонистон Демократик Республикасидан қайтиб келаётган интернационалист жангчиларга

Азиз ўртоқлар!

Сизларни, Ватанимизнинг шонли ўғилларини қизғин табриклаймиз. Сиз дўст Афғонистон заминида ўз интернационал бурчингизни ҳалол бажариб уйга қайтмоқдасиз.

Афғонистоннинг қонуний ҳукумати илтимосига мувофиқ Сизлар, тинчлик солдатлари, Сизлардан олдин АДРда ҳарбий хизматни ўтаган жанговар дўстларингиз каби афғон халқига ўз мустақиллиги ва озодлигини, Апрель миллий демократик революцияси ғалабаларини ҳимоя қилишда, Ватанимиз жанубий чегаралари мустаҳкам хавфсизлигини таъминлашда ёрдам бердингиз.

Совет жангчилари афғон солдатлари, мамлакатнинг барча ватанпарварлари билан биргаликда афғон давлати суверенитетига таҳдид этаётган душман кучлар қуролли агрессиясига қарши турдилар ва ҳозир ҳам қарши турибдилар. Сиз, интернационалист жангчилар ҳаётингизни ҳар куни хавф остида қолдириб, минглаб афғон болаларини, қарияларни ва хотин-қизларни ёлланган қотиллар ва террорчиларнинг қонли жазосидан сақлаб қолдингиз, болаларнинг мактабга қатнашлари, деҳқонларнинг далада етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишлари, ишчиларнинг станоклар ёнида меҳнат қилишлари учун имконият яратиб бердингиз. Бу жасорат ҳамиша Совет—Афғон дўстлиги рамзи бўлиб қолади. Солдат ва офицерлар, врачлар ва медицина ҳамширалари ўз бурчларини фидойилик билан бажардилар ва бажармоқдалар.

Йиллар ўтади, лекин вақт Николай Чепик, Александр Мироненко, Николай Анфиногенов, Ғафур Номозов, Александр Стобва, Вячеслав Гайнутдинов, Александр Опарин, Зураб Члачидзе, Александр Демаков, Эдмунтас Шакинис, Георгий Демченко номларини, совет жангчиси шарафи ва қадр-қимматини юксак кўтарган кишилар номларини хотирадан ўчира олмайди.

Совет кишилари Ватанимизнинг жангларда ҳалок бўлган мард ўғлонлари хотираси олдида бошларини қуйи эгадилар, уларнинг қариндош-уруғлари, ота-оналари, дўстлари билан бирга қайғурадилар. Уларнинг оилаларига меҳр-оқибат ва ғамхўрлик қилиш, улар учун жудолик дардини енгиллатиш—ҳар бир партия, касаба союз, комсомол ташкилотининг, халқ депутатлари Советларининг бурчидир.

Сизлар аёвсиз ҳарбий синов кунларида ҳарбий бирodарликни юксак қадрлашни, ота-она уйини, севимли кишилар садоқати ва фидокорлигини қадрлашни ўрганиб олдингиз. Ватанимиз нақадар гўзаллигини, уни қандай қилиб севиш ва пухта ҳимоя қилиш лозимлигини янада чуқурроқ англаб етдингиз.

Афғонистонда бўлган вақтингизда синфий душман бир фахрланадиган озодлик ва тенгликни, маданият ва демократияни, барча меҳнат аҳли бахт-саодатини, халқларнинг интернационал биродарлигини кўргани кўзи йўқлигига — улардан нафратланишига ишонч ҳосил қилдингиз. Ихтиёр синфий душманлар қўлида бўлганда эди, улар жанубдаги қўшниларимиз бошига солаётган нафрат ва ғазабини, ўша қайғу-аламлар ва кўз ёшларни бизнинг еримизда ҳам тўккан бўлур эди. Совет кишилари буни Улуғ Ватан уруши йилларида синаб кўрганлар.

Қадрли ўртоқлар, Сизларни революциямиз, партия, комсомол тарбиялаган. Ватанпарварлик ва мардлик, жасорат ва ҳарбий шон-шараф ота ва боболаримиздан, кекса революцион авлодлардан мерос бўлиб қолган. Ишчи-деҳқон Қизил Армияси тузилган дастлабки қунданоқ, Қизил Армия интернационалистлар армияси бўлган эди. У ана шу анъаналарни оғир синовлар ловидан олиб ўтди. Совет жангчилари бу анъаналарга ҳамиша содиқ бўладилар.

Она-Ватан Сизларни, азиз фарзандларини илиқ ва самимий кутиб олмоқда. Мамлакатимиз ҳозир қизиқарли ва жиддий даврни бошидан кечирмоқда. Ҳаётнинг ҳамма соҳаларида чуқур янгиланиш революцион жараёни давом этмоқда. Сиз орттирган сиёсий ва жанговар чиниқиш ўз ҳарбий ва гражданлик бурчингизни муносиб бажаришингизга, мамлакат олдида турган катта вазифаларни ҳал этишда ўз ҳиссангизни қўшишингизга ёрдам беради.

Мустаҳкам тинчлик, барча халқларнинг ишончли хавфсизлиги— бизнинг идеалимиздир. Бироқ империализм социалистик Ватанимиз, бизнинг иттифоқчиларимиз ва дўстларимиз хавфсизлигига таҳдид қилишни давом эттираётган ўзгаларнинг ишларига сурбетлик билан аралашаётган шароитда биз ҳушёр туришимиз керак. Демократик Афғонистон ишига ташқаридан қуролли аралашув давом этаверар экан, Совет Иттифоқи ўз қўшнисини ёлғиз қолдирмайди, албатта. Хизматни давом эттириб, шуни ёдингизда тутинг: Сиз Ватанимиз солдатларисиз, жанговар ҳамда меҳнат жасоратига шай бўлиб туришингиз лозим.

Сизларга, интернационал бурчини муносиб бажарган ва бажараётган барча кишиларга бахт-соадат, янги муваффақиятлар, шонли ютуқлар тилаймиз. Ватан Сиз билан фахрланади. Ватан Сизга миннатдорчилик билдиради. Ватан Сизга ишонади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Америка делегацияси бунга рози бўлди. Шундай қилиб биз жуда йирик масала хусусида келишиб олдик.

Бу соҳада биз жиддий ён берганимизга сизларнинг эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Ёдингизда бўлса Женевада биз стратегик қуролларни 50 процент қисқартиришни таклиф қилганимизда ўртача ракеталарни ҳам стратегик ракеталар жумласига қўшган эдик, чунки улар бизнинг территориямизга етиб кела олишини назарда тутганмиз. Ҳозир биз бу талабдан воз кечдик, биз олдинги базалардаги воситалар тўғрисидаги масалани ҳам олиб ташладик.

Шундай қилиб, мана шу катта ён беришлар туфайли Рейкьявикда стратегик қуролни қисқартириш хусусида аҳдлашиб олинди.

Бизнинг иккинчи таклифимиз ўртача олислик ракеталарига тааллуқли эди. Биз қуролнинг шу типи хусусида ҳам битим тайёрлашни топширишни таклиф қилдик, бунда шу пайтгача муҳокама қилиб келинган оралиқ, муваққат вариантлар ва шу каби вариантлардан воз кечиб, Американинг аввалги лойиҳасига қайтишни, яъни Европадаги Америка ва Совет ўртача ракеталарини батамом йўқ қилиб ташлашни назарда тутдик. Бунда биз ўзимизнинг Женевадаги таклифларимиздан фарқли равишда, Франция билан Англиянинг ядровий потенциалини мутлақо бир чеккада қолдирдик. Бу бизнинг томонимиздан жуда катта ён бериш эканини сизлар тушунасизлар. Чунки бу иккала мамлакат — АҚШнинг иттифоқчилари бўлиб ядровий потенциалга эгадирлар, бу потенциални кўпайтириш ва такомиллаштириш давом этмоқда. Уларнинг бутун ҳарбий фаолияти эса НАТО доирасида қатъий мувофиқлаштирилиб турибди. Бу нарса бизга жуда яхши маълум. Шунга қарамай, биз битимга эришиш йўлидаги бу тўсиқни олиб ташладик.

Сўнгги лойиҳа Осиё хусусидаги хавотирликка оид эди. Бу соҳада ҳам биз муросага келишни таклиф қилдик: биз дарҳол музокара бошлаймиз-у даъволарни аниқлаб, уларни ҳал этиш йўлини топамиз, деб таклиф қилдик. Бунда минг километрдан камроқ масофага уча оладиган ракеталар масаласи муқаррар кўтарилишини тушунар эдик. Бу хусусда ҳам биз таклиф киритдик: бу ракеталарни кўпайтирмай, уларнинг тақдири ҳақида музокаралар бошлаш ниятимизни айтдик.

Биз мана шундай йирик тадбирлар кўрмоқчи бўлган эдик. Назаримда америкаликлар биздан буларни кутмаган эдилар, аммо қизғин мунозара бошладилар, ўз ракеталарини Европадан олиб кетиш уларга ёқмаслигини ошкора айтдилар. Бизни яна оралиқ вариантга таклиф қила бошладилар. Биз бўлсак, Европани Совет Иттифоқи билан Американинг ўртача олислик ракеталаридан батамом халос қилиш керак, деб қаттиқ туриб олдик.

Шу масала хусусидаги мунозара чоғида биз АҚШ Президентининг эътиборини жалб этиб, демак, сиз бир вақтлар зўр бериб таклиф қилган ўз ташаббусингиздан — «нуль варианти»дан воз кечар экансиз-да, биз ҳозир шу вариантни қабул қилмоқчимиз, деб айтдик.

Мунозара бугунга қадар давом этди, у жуда кескин ўтди, ниҳоят, биз яна бир муқобил қадам қўйишга қарор бердик: Европадаги Америка ва Совет ракеталарини тугатганда биз Осиёдаги ўртача ракеталаримизда 100 та портловчи каллак қолдиришга, америкаликлар ҳам АҚШ территориясидаги мана шундай ракеталарида 100 та портловчи каллак қолдиришларига рози бўламиз, деб айтдик.

Оқибат натижада бу масала хусусида ҳам битим тузиш ҳақида келишиб олдик, умуман олганда бу ҳам бизнинг жуда катта ён беришимиз бўлди.

Қандай бўлганда ҳам олға томон ҳаракат қила бошлаш керак-да. Мен бу ҳақда неча марталаб гапирган эдим. Ностандарт, дадил қарорлар керак! Агар биз доимо ўтмишдан маслаҳат излаб, мутлақо бошқа даврга тааллуқли нарсалардан фойдаланиб, бугун қаерда турганимизга ва эртага қаерда бўлишимизга эътибор бермасак, мана шу эртанги кунга умуман етиб бора олмаймиз, агар биз шундай йўл тутадиган бўлсак, ҳеч қандай мулоқот бўлмайди. Ҳаракатни бирон-бир нарсадан бошлаш керак эмасми, ахир? Гарчи такрор айтаманки, бундай қилиш биз учун осон бўлмаса-да, биз мана шундай муросага рози бўлдик. Шундай қилиб, биз АҚШ Президенти билан учрашувда ўртача олислик ракеталарини тугатиш ва қисқартириш тўғрисидаги масала хусусида ҳам келишиб олдик.

Ядро қуролларини кўп миқдорда қисқартиришга тайёргарлик муносабати билан биз масалани шу тахлитда қўйдик, модомики, биз конкрет босқичга — ядро қуролини тугатиш босқичига кираётган эканмиз, — контрол хусусида тўла равшанлик бўлиши керак. Энди контрол кучайтирилиши лозим. Совет Иттифоқи ҳар бир томоннинг қопқонга, тузоққа тушиб қолмаслиги учун ишончи тўла комил бўлишини таъминлайдиган уч ёқлама контролни талаб қилади. Биз контролнинг ҳар қандай формаларига тайёрлигимизни тасдиқладик. Биз мана шундай позицияда турганлигимиз туфайли ҳам бу масала ҳал этилди.

Биз ядро қуролини амалий равишда тугатишга киришувимиз муносабати билан яна бир проблема келиб чиқади: ҳар бир томонда шу вақт ичида томонларнинг биронтаси ҳарбий устунликка интилмаслиги хусусида кафолот бўлиши керак. Менинг фикримча, бу — масалани ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий нуқтаи назардан мутлақо одилона, қонуний тарзда қўйишдир.

Сиёсий нуқтаи назардан олганда, агар биз қуролларни қисқартира бошласак, янги турдаги қурол-яроғларни яратиш йўлида амал қилаётган ва қаттиқ турган тўсиқларнинг ҳаммаси сақланибгина қолмай, балки мустаҳкамланиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиниши лозим.

Ҳарбий нуқтаи назардан олганда, иккала томон ядровий потенциални қисқартиришга қисқартиради-ю аммо қисқартириш жараёни давом этаётган пайтнинг ўзида иккинчи томон пинҳона тарзда ташаббусни қўлга олиб, ҳарбий устунликка эришиб қоладиган аҳвол рўй бермаслиги ҳақида чиндан ҳам ғамхўрлик қилиш керак. Бундай бўлишига йўл қўйилмайди. Бу гапни мен Совет Иттифоқи хусусида айтаяпман. Аммо биз Америка томонига нисбатан ҳам худди шундай талаблар қўйишга ҳақлимиз. Шу муносабат билан биз шундай масалани ўртага қўйдик, биз реал, кўп миқдорда қисқартириш босқичига, сўнгра эса яна 10 йилдан кейин Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатларининг ядровий потенциалини тугатиш босқичига чиқиб олган пайтимизда, бу даврда қуролланиш пойгасини тийиб турадиган механизмларни ва аввало, ракетадан мудофаа шартномасини қўпормаслик, балки уларни мустаҳкамлаш лозим.

Бизнинг таклифимиз қўйидагича бўлди: биз томонлар яқин ўн йил мобайнида ракетадан мудофаа шартномасидан чиқиш ҳуқуқидан фойдаланмасликдан иборат баб-баравар мажбуриятни зиммага олишлари йўли билан ракетадан мудофаа тўғрисидаги муддатсиз шартномани мустаҳкамлаймиз.

Тўғри, мантиқий талабми бу? Мантиқий талаб.

Масалани жиддий равишда қўйишми бу? Шундай.

Бу талаблар иккала томоннинг манфаатларига мос бўлиб тушадими? Иккала томоннинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Шу билан айни бир вақтда биз мазкур ўн йил мобайнида ракетадан мудофаа шартномасининг ҳамма талабларига риоя этилиши, космик қуролни ишлаб чиқиш, синаб кўриш тақиқланиши, фақат лаборатория доирасидаги тадқиқотлар, синовларгагина ижозат берилиши тарафдори эканимизни айтдик.

Хўш, биз мана шу гаплар билан нимани айтмоқчи эдик?

Биз Америка маъмурияти, Президент «стратегик мудофаа ташаббуси» (СМТ)га қаттиқ берилганлигини биламиз. Эҳтимол, лаборатория синовларини давом эттиришга ва шундай синовларни ўтказиш мумкинлигига бизнинг рози бўлишимиз Президентга тадқиқотларни охиригача етказиш ҳамда СМТ нима ўзи ва унинг шакли-шамойили қандайлигини аниқлаб олиш имконини берса керак. Ваҳолонки, кўпчилик учун, биз учун ҳам унинг нималиги равшан бўлиб қолган.

Худди мана шунга келганда жаҳон сиёсатига нисбатан, шу жумладан, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро қуролини тақиқлаш каби масалаларга икки хил ёндашувнинг чинакам олишуви бошланиб кетди.

Америка маъмурияти, Президент Америка СМТга тааллуқли нарсаларнинг ҳаммасини лабораториялардагина эмас, шу билан бирга ундан ташқарида, жумладан, космосда ҳам синаб кўриш ва тадқиқ этиш ҳуқуқига эга бўлиши керак, деб қаттиқ туриб олишди.

Хўш, бунга ким рози бўлар экан? Жиннилармими? Бироқ одатда жиннилар ўзлари учун тегишли жойларда, даволанишда бўладилар. Ҳар ҳолда мен уларни раҳбарлик лавозимларида ва айниқса, давлат бошлиқлари лавозимларида учратмаяпман.

Биз ғоят катта, тарихий қарорлар қабул қилишга жуда яқин келиб қолган эдик, чунки шу пайтгача гап фақат қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида борган эди. Биз ракетадан мудофаа тўғрисидаги, СҚЧ-1, СҚЧ-2 ва шу каби қарорларни қабул қилганмиз.

Биз энди англашимизча, Америка маъмурияти ўзининг технология соҳасидаги устунлигига ишониб, СМТ орқали ҳарбий устунликка эришишга умид боғлаётган экан, у ҳатто ҳозиргача эришилган аҳдномаларни ҳам йўқ қилишгача бориб етди. Биз эса шартномаларни амалда рўёбга чиқаришга асосланиб, уларни ишлаб чиқишга топшириқ беришни таклиф этдик. Вашингтондаги учрашув вақтида эса ана шу шартномаларни имзолаш мумкин бўлур эди. Лекин Америка томони буларнинг ҳаммасини барбод этди.

Мен Президентга биз тарихий имкониятни қўлдан бой беряпмиз, дедим. Бизнинг позицияларимиз ҳали ҳеч қачон бир-бирига шу қадар яқин бўлмаган эди.

Президент хайрлаша туриб, менга ҳафсалам пир бўлди, деди ва гўё мен аввал бошданоқ битим ва аҳдлашувга эришиш истагисиз келган эмишман. Нима учун сиз биргина сўзни деб, СМТга ва синовлар проблемасига, мана шу жами проблематикага ёндашувда шу қадар қатъият кўрсатаяпсиз? Гап сўзда эмас, балки ишнинг моҳиятида деб ўйлайман. Америка маъмуриятининг хаёлида нима эканлигини англаш калити, айни мана шунда. Менимча эса, мен энди кўриб турганимдек, Америка ҳарбий-саноат комплексининг хаёлида нима бўлса, Америка маъмуриятининг хаёлида ҳам шу нарса — маъмурият ана шу комплексининг измида бўлиб, Президент бундай қарор қабул қилиш учун эркин эмас. Биз танаффуслар қилдик, мунозаралар ўтказдик, лекин Президент қўллаб-қувватланмаганлигини кўриб турибман. Шу боисдан ҳам биз тарихий маррага чиқиб олишга жуда яқин қолганимизда учрашувимиз барбод бўлди.

Ушбу учрашувда мана шундай жиддий вазият вужудга келди, ваҳолонки, бизнинг томонимиздан каттагина ён босишларга қарамай, биз аҳдлашувга эриша олмадик.

...Илгари бизнинг АҚШ билан мулоқотимиз қийинлик билан олиб борилган бўлсада, лекин у Женевадан кейин давом этган эди, мен Америка Қўшма Штатларига қиладиган визитим вақтида бизнинг учрашувимиз қандай бўлиши хусусида Президентга ўз нуқтаи назаримни билдирдим. Бу нуқтаи назар сизларга маълум.

Бу — қўйилаётган шарт эмас. Бу — бизнинг: менинг ҳам, Президентнинг ҳам масъулиятимизни англаш, деб ўйлайман. Бу масъулият Вашингтондаги бўлажак учрашувга айни мана шундай ёндашувни тақозо этади. Бизга самарали учрашув даркор. Бундай учрашув ҳақиқатан ҳам сезиларли натижаларга, айниқса, ядро қуроллари устидан контроллик, қуролланиш пойгасининг олдини олиш, ядро қуролини тугатиш каби ғоят муҳим масалаларда туб ўзгартишларга ҳам, чора-тадбирларга ҳам олиб келиши лозим.

Мен унга мактубларда ва бизнинг учрашувимизда: жаноб Президент, бизнинг Вашингтондаги учрашувимиз барбод бўлишига сиз билан биз йўл қўя олмаймиз, деб айтдим. Шу боисдан ҳам, биз ҳеч кечиктирмасдан учрашишимиз керак, деган фикрни билдирдим. Аҳдлашиб олишимиз ва Вашингтондаги учрашувга жиддий таклифлар, жиддий қарорлар билан боришимиз учун биз кирита оладиган амалий таклифлар бор.

Мен, агарда биз Вашингтонда учрашганимизда бу учрашув барбод бўлур эди, деган фикрни хаёлимга ҳам келтира олмайман. Умуман айтганда, Совет Иттифоқидаги кишилар ҳам, АҚШдаги, бутун дунёдаги кишилар ҳам унда нима деб ўйлашлари мумкин. Иккита шундай жуда катта давлат тепасида қандай сиёсатдонлар туришибди, улар учрашишмоқда, мактублар ёзиб туришибди, улар ўртасида мана энди учинчи учрашув бўлиб ўтяпти-ю, лекин ҳеч нарса тўғрисида аҳдлашувга эриша олмаяптилар, деб ўйлашмайдими, ахир. Бу ҳол оқибати қандайлигини айтиб бўлмайдиган уятли иш бўлур эди, холос, деб ҳисоблайман. Биз бунга асло йўл қўя олмаймиз. Бу нарса бизнинг мамлакатимиздагина эмас, бутун дунёда ҳам одамларнинг ҳафсаласини пир қилган бўлур эди. Аслини олганда, Вашингтондаги учрашувнинг режаси, биз уни қай тарзда ва қандай натижалар билан ўтказишимиз кераклиги хусусидаги гаплар мана шулардан иборат. Бу нарса бизни ҳамма нарсани амалий тарзда кўриб чиқиш, бир-биримизга эътибор билан қулоқ солиш, ўзаро туташ нуқталарни топишга, иккала мамлакатларимизнинг манфаатларига ҳам, иттифоқчиларимизнинг ҳам, барча мамлакатлар халқларининг ҳам манфаатларига мос бўлиб тушадиган умумий ёндашувларни топишга уриниб кўриш учун бу ерда, Рейкьявикда амалий учрашув ўтказиш ташаббусини кўрсатишга ундади.

Афсуски, америкаликлар бу учрашувга қуруқ қўл билан, ис босган эски таклифлар йиғиндиси билан келдилар, бундай таклифлардан ҳозирдаёқ Женева музокаралари нафас ололмай қолмоқда. Кўриб турибсизларки, биз бундай аҳволни ўзгартириш, янги босқичга йўл очиб унга ўтиш, етилган масалаларни ҳақиқатан ҳам ҳал қилиш учун ўз таклифларимизни киритдик. Мана, мен сизларга нималар бўлганлигини айтиб бердим.

Хўш, нима қилиш керак? Қўшма Штатлар реаллик бўлиб қолмоқда, Совет Иттифоқи реаллик бўлиб қолмоқда. Рус ёзувчиларимиздан бирининг қандайдир қаҳрамони Американи ёпиб қўймоқчи бўлган эди — бунга у муваффақ бўла олмади. Биз бундай комплексдан холимиз. Америка — реалликдир, реаллик бўлганда ҳам жуда салмоқли реалликдир. Менимча, Совет Иттифоқи ҳам салобатли реалликдир. Лекин бутун дунё ҳам реаллик. Зотан ҳозирги дунё реалликлари эътиборга олинмас экан, обрў-эътибор қозониш бир ёқда турсин, балки, аввало мавжуд проблемаларни ҳал қилиб ҳам бўлмайди.

Бу учрашувда биз янгича фикрлаш етишмаганлигини ҳис этдик. Яна ўша ҳарбий устунликка эришиш кетидан қувиш шарпаси пайдо бўлди. Мен ёзда Никсон жаноблари билан учрашгандим, ўшанда у суҳбат чоғида менга бундай деган эди: мен ўзимнинг катта ҳаётий ва сиёсий тажрибамга таяниб, ана шу шарпа кетидан қувиш бизни мушкул аҳволга солиб қўйди, деб айтиш учун асосга эгаман. Энди эса биз ядро қуролидан иборат тоғ-тоғ уюмлар остидан қандай қутулишни билмаяпмиз. Мана шуларнинг ҳаммаси жаҳондаги вазиятни чигаллаштириб заҳарламоқда.

Шунга қарамай, бу ерда аҳдлашувлар кўзга ташланиб қолди, деб ўйлайман. Фақат уларни расмийлаштиришга муваффақ бўлинмади.

Биз ўз таклифларимизни пакетга жойлаб киритдик. Нима учун шундай қилинганлигини тушунасизлар, деб ўйлайман. Лекин шунга қарамай, ядро қуролларини кўплаб қисқартириш тўғрисидаги шундай аҳдлашувлар сари биз босиб ўтган йўлнинг ўзиёқ биз бу ерда орттирган ғоят катта тажрибадир ва бу чакана тажриба эмас.

Бу ердаги учрашувда пировард натижада вужудга келган бутун вазиятни АҚШ Президенти ҳам, биз ҳам пухта ўйлаб кўриб, бизни ажратиб турган нарсага яна бир бор қайтишимиз ва уни бартараф этишга уриниб кўришимиз лозим бўлади, деб ўйлайман. Ахир биз ҳозиргача кўп нарса тўғрисида аҳдлашиб олдик, кўп ғояларни енгиб ўтдик. Эҳтимол, Президент конгресс билан, сиёсий доиралар билан, Америка жамоатчилиги билан маслаҳатлашиб олиши керакдир. Мана шуларнинг ҳаммасини Америка чуқур ўйлаб кўрсин. Биз ўзимизнинг эълон қилган таклифларимизни қайтариб олмай кутиб турамиз, чунки аслини олганда биз улар юзасидан аҳдлашиб олдик, деса бўлади. Бу, биринчидан.

Иккинчидан, ҳозир дунёдаги барча реалистик кучлар ҳаракат қилишлари керак, деб ўйлайман. Социалистик дунёда, капиталистик дунёда, ривожланаётган дунёда яшовчи бизларнинг ҳаммамиз ҳозир ниҳоят, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун реал киришишдан, ядро қуролини тақиқлаш, уни тугатиш, инсониятга таҳдид солаётган ядро хавф-хатарини бартараф этишдан иборат ноёб имкониятга эгамиз. Шу муносабат билан биз АҚШ Президентига: келинг, Рейкьявикдаги учрашувимиз тугаши биланоқ, ядро портлатишларини тақиқлашга бағишланган музокараларни бошлаб юбориш тўғрисида аҳдлашиб олайлик, деган таклифларни киритдик. Бунда биз шуни таклиф қилдик: бу шундай жараён бўлсинки, унинг давомида биз қандайдир бир босқичда, эҳтимол, ҳатто биринчи навбатда ядро портлатишларининг бўсағалари тўғрисидаги, уларнинг қуввати ҳақидаги, йилига ўтказиладиган ядро портлатишларининг миқдори тўғрисидаги, 1974 йилги ва 1976 йилги шартномаларнинг тақдири ҳақидаги масалани кўриб чиқа олган ҳамда ядро портлатишларини батамом ва узил-кесил тақиқлаш тўғрисидаги кенг қамровли шартномани ишлаб чиқиш сари боришни давом эттирган бўлур эдик.

Биз ушбу масала юзасидан ҳам формулани топишга яқин эдик, деб айтаман. Биз Америка томонига сизлардан мораторийни талаб қилаётганимиз йўқ дедик. Бу сизнинг ишингиз. Биз бошланган музокаралар чоғида сизлар ядро портлатишларини қандай давом эттиришларингиз ёки бизнинг мораторийимизга қўшилишингиз тўғрисида сизлар ўз конгрессингиз олдида, халқ олдида ҳисоб берингиз. Лекин келинглар, ядро портлатишларини батамом ва узил-кесил тақиқлаш тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш учун кенг қамровли музокараларни бошлайлик.

Йўл-йўлакай биз сизлар айтаётган масалаларни: контрол тўғрисидаги ядро портлатишларининг бўсағалари, миқдори ҳақидаги, 1974 — 1976 йиллардаги шартномалар тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқамиз. Буларнинг ҳаммасини кўриб чиқиш мумкин. Яқинлашув мавжуд эди. Бироқ ракетадан мудофаа хусусида узилиш содир бўлганида, бутун мунозара узилиб, барча изланишлар тўхтаб қолганида биз учрашувимизни тўхтатдик.

Ҳозир биз америкаликлар билан бирга ҳамма нарсани пухта ўйлаб кўришимиз, қолаверса, жаҳон афкор оммаси ҳам барча мамлакатларнинг халқларини ташвишга солаётган бош масала: уруш ва тинчлик масалалари, ядро хавфи масалалари юзасидан дунёда вужудга келган вазиятни обдон ўйлаб кўриш керак деб ҳисоблайман. Ҳеч муболағасиз ўйлайманки, биз Президентга таклиф қилган нарсаларнинг ҳаммаси америка халқининг ҳам, барча мамлакатлар халқларининг ҳам манфаатларига мос бўлиб тушади. Кимгадир шундай туйилмаётган экан, биз бугун бир овоздан шундай деб айтишга ҳақлимиз: америка халқи, совет халқи, барча мамлакатларнинг халқлари нимани талаб қилаётганликларига бир қулоқ солиб кўрсин.

Мен бу ердаги учрашувда ҳаракатлар қилиш пайти келди, деб айтдим. Бу сўзлар башоратли бўлиб чиқди.

Дарҳақиқат, ҳаракат қилиш пайти келди ва биз уни бой беришимиз мумкин эмас. Биз ҳаракат қилаверамиз. Биз ўзимизнинг тинчликка қаратилган, қуролланиш пойгасига қарши, ядро қуролини тақиқлаш учун, ядро қуролини тугатиш учун, бутун ер куррамизга солинаётган хавф-хатарни бартараф этиш учун курашга қаратилган йўлимиздан чекинмаймиз. Ўйлайманки, биз бу курашда якка ёлғиз бўлиб қолмаймиз.

Мен сизларга ҳозир, учрашув тугаши биланоқ мана шуларни айтмоқчи эдим. Эҳтимол бўлиб ўтган ҳамма нарсани чуқур ўйлаб кўриш учун кўпроқ вақтим бўлганида, мен бундан ҳам кўпроқ нарсаларни айта олган бўлур эдим. Лекин менимча барча масалалар юзасидан фикрларимни равшан ва аниқ ифода этган бўлсам керак.

Мен ҳозир биз бошқа кўпгина масалаларни ҳам тилга олганлигимизни айтаяпман. Биз гуманитар масалалар тўғрисида гаплашдик ва бунда конкрет проблемаларга тўхталдик. Экспертлардан иборат икки группа ишлади. Буни, эҳтимол, сизлар билсангиз керак. Группалардан бирига биздан Совет Иттифоқи Маршали, Бош штаб бошлиғи Ахромеев, Америка томонидан — Пол Нитце бошчилик қилишди. Улар амалда бутун тун бўйи ишладилар.

Гуманитар масалалар билан шуғулланувчи группага бизнинг томонимиздан ташқи ишлар министрининг ўринбосари Бессмертних, америкаликлар томонидан — давлат секретарининг ўринбосари Рижуэй бошчилик қилдилар.

Бу группада ҳам қизиқарли фикрлашувлар бўлди, ундаги муайян аҳдлашувлар якунловчи ҳужжатнинг таркибий қисми бўлиб қолиши мумкин эди. Лекин энг асосийси барбод бўлганидан кейин бутун жараён тўхтаб қолди.

Кўриб турибсизларки, умуман қизиқарли учрашув, муҳим, жуда умидбахш учрашув бўлди. Аммо ҳозирча у мана шундай йўсинда тугади.

Тушкунликка тушмайлик. Бу учрашув биз қандай маррага келиб қолганимизни англаб етишнинг жуда муҳим босқичига олиб чиқди, деб ўйлайман. Бу учрашув аҳдлашувларга эришиш мумкинлигини ҳам кўрсатди. Бунга ишончим комил.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

Наҳотки менинг ҳатто, мана шундай батафсил нутқимдан кейин ҳам сизларда яна саволлар бўлса? Қани бўлмаса. Тонг саҳаргача бўлса ҳам ўтирамиз.

Савол (Чехословакия телевидениеси). Михаил Сергеевич, сиз бу ерда, Рейкьявикда тарихий имконият бой берилди, дедингиз. Сизнингча, янги имконият қачон пайдо бўлиши мумкин?

Жавоб. Биласизми, мен бунга умидбахш жавоб қайтарган бўлур эдим. Чунки учрашув арафасида ҳам, учрашувнинг ўзида ҳам кўп иш қилинди. Қўшма Штатларда, Оқ уйда ҳам, бизда Совет раҳбарлари ҳам реалистик позицияларда туриб, яна бир бор ҳамма нарсани пухта ўйлаб кўриб, реализм ва масъулиятни намоён этганимиз тақдирда мазкур масалаларни ҳал этиш учун ҳали имконият бой берилгани йўқ.

Савол (Япониянинг Эн-Эйч-Кей телекомпанияси). АҚШ билан, Рейган маъмурияти билан мулоқот ҳали давом этяпти, дейиш мумкинми? Ёки Сиз Рейган билан самарали мулоқот учун имкониятлар жуда оз қолди, деб ўйлайсизми?

Жавоб. Мулоқот қанчалик қийин бўлмасин, ҳозир унинг зарурати яна ҳам кўпроқ ошди, деб ўйлайман.

Савол («Правда» газетаси). Михаил Сергеевич, Америка маъмурияти жаҳон афкор оммасини писанд этмай, мана шундай масъулиятсиз қарор қабул қилиб, музокараларни нима учун энди барбод этди? Сиз бунга нима дейсиз?

Жавоб. Менимча, Америка ҳали шаклланиши керак. У, менимча, ҳали шаклланган эмас. Биз шу нарса Президентнинг позициясига таъсир ўтказиб турганлигини ҳис қилдик.

Савол (Австралия радиоэшиттириш корпорацияси). Сиз Президент Рейган ҳарбий-саноат комплексига асир бўлиб қолмоқда, дедингиз. Бундан келгуси икки йил натижасиз бўлади, деган маъно келиб чиқадими? Сиз АҚШнинг кейинги Президенти шу комплексга асир бўлиб қолмайди, деган умиддамисиз?

Жавоб. Ҳарбий-саноат комплекси эндиликда қандайлигини, у ҳозирги Америкада қандай салмоққа эга эканлигини тўла назарда тутганда, унинг имкониятларига ортиқча баҳо бериб юбормаймиз. Ҳал қилувчи сўзни ҳар қандай мамлакатнинг халқи, шу жумладан, Америка халқи ҳам айтади.

Савол (Исландия радиоси ва телевидениеси). Учрашув салбий натижа билан тугагандан кейин Совет Иттифоқи Американинг СМТ программасига бирон-бир нарсани қарама-қарши қўйишга уриниб кўрадими ва у ўзининг космик қуроллар программасини тўла қувват билан ишга солиб юбормайдими?

Жавоб. Сиз Совет позициясининг маъносини англаб етгансиз, деб ўйлайман. Биз ҳозир ядро қуроллари — ҳам стратегик, ҳам ўртача олислик ракеталарини тубдан қисқартира бошлайдиган босқичга келиб қолган эканмиз (биз эса америкаликлар билан бу ишни ўн йил мобайнида амалга ошириш тўғрисидаги аҳдлашувга яқинлашиб қолган эдик), биз бу даврда кутилмаган, тасодифий ҳеч нарса рўй бермаслигидан гарантияланган бўлишимизни талаб қилишга ҳақлимиз. Бу нарса космос ва ракетадан мудофаа космик қуролларни жойлаштириш каби соҳани ҳам ўз ичига олади.

Мен Президентга (эҳтимол, мен фикрлашувларимиз пардасини бироз очаётгандирман) СМТ бизни ҳарбий жиҳатдан ташвишлантирмаётганлигини айтдим. Менимча, Америкада ҳам энди ҳеч ким бундай системани яратиш мумкинлигига ишонмаётган бўлса керак. Бунинг устига, пировард натижада Америка шунга қарор қилган тақдирда бизнинг жавобимиз айнан шунга ўхшаш бўлмайди. Тўғри, мен унга: жаноб Президент, биласизми, мени ҳозирдаёқ СМТ бўйича сизнинг сафдошингиз қилиб қўйишди, дедим. У бунга ажабланди. Мен СМТни шу қадар кескин танқид қилаётганлигим муносабати билан бу нарса сизга СМТ кераклигининг жуда ишонтирарли далили бўлаётган экан, дедим. Сиз жўнгина қилиб: Горбачев қарши эканми? — демак бу яхши иш, демоқдасиз. Шу тариқа сиз олқиш олиб, маблағ ундирмоқдасиз. Тўғри, беҳаёлар ва шубҳаланувчилар пайдо бўлишди, улар: бу нарса Горбачевнинг СМТга ўзини жалб қилмай, Американи хонавайрон қилишдан иборат маккор режаси бўлса-я, демоқдалар. Ўзингиз ҳал қилиб оларсиз. Ҳар ҳолда бизни СМТ чўчитаётгани йўқ. Мен буни дадил айтмоқдаман, чунки бундай масалаларда уйдирма муболаға билан шуғулланиш — масъулиятсиз ишдир. СМТга жавоб қайтарилади. Айнан бир хил бўлмаса-да, лекин жавоб топилади. Бунинг устига, бизнинг кўп нарсадан воз кечишимизга тўғри келмайди.

Аммо унинг хавф-хатари нимада? Биринчиси — сиёсий хавф-хатар. Дарҳол шундай вазият вужудга келадики, у ноаниқликни келтириб чиқариб, бир-бирларига ишончсизликни, шубҳа-гумонни кучайтиради. Ана ўшанда ядро қуролини қисқартиришга қўл ҳам тегмай қолади. Қисқа қилиб айтганда, биз ядро қуролини камайтириш билан астойдил шуғулланишимиз учун бутунлай бошқача вазият керак. Иккинчидан, ишнинг ҳарбий томони ҳам бор, албатта. СМТ орқали қуролнинг янги турларига ўтиб олиш мумкин. Буни ҳам биз асос билан айта оламиз. Яна СМТ орқали қуролланиш пойгасининг мутлақо янги босқичига чиқиб олиш мумкинки, бунинг жиддий оқибатлари қандай бўлишини айтиш амри маҳол.

Демак, бир томондан биз ҳозирги энг хатарли ва даҳшатли қурол бўлган ядро қуролини қисқартира бошлаш тўғрисида аҳдлашиб олиб, иккинчи томондан эса энг янги қуролни яратиш учун тадқиқотларга ва ҳатто уларни космосда, табиий шароитда ўтказишга розилик беришимиз керак экан. Ахир бу нормал мантиққа зид-ку.

Савол («Вашингтон пост» газетаси). Икки кунлик мажлислардан сўнг ҳозиргина Президент Рейган билан яна бир учрашув ўтказдингиз. Сизда сиёсий арбоб сифатида Президентдан қандай таассурот туғилди? Жаҳон тақдири учун Сизнинг масъулият ҳиссингизга у қўшилади, деб ҳисоблайсизми?

Жавоб. Менда шундай таассурот қолдики, биз Рейган жаноблари билан мулоқотни давом эттиришимиз ҳам, катта, жуда ҳаётий проблемаларни, шу жумладан, боя мен айтиб ўтган проблемаларни ҳам ҳал этиш йўлларини излаш билан шуғулланишимиз мумкин.

Савол (Дания телевидениеси). Ушбу кенгаш якунлари қониқарсиз чиққанлигини назарда тутганимизда, бу нарса ядро синовларини тақиқлаш масаласи ҳамда кеча ва бугун муҳокама қилинган бошқа масалалар юзасидан силжишга эришиб бўлмаслигини билдирадими? Мана шу масала — ядро синовларини тақиқлаш масаласи — ушбу мажлисларда кўриб чиқилган бошқа масалалар билан боғлана оладими?

Жавоб. Мен бу саволга боя жавоб қайтардим. Биз энди америкаликлар ва Президент билан алоқаларимиз, айниқса, халқаро муносабатларимиз узилиб қолади, деб ҳисобламаймиз. Изланишлар давом этмоқда ва давом этаверади. Бу ерда Исландияда рўй берган иш халқаро вазиятни нормаллаштириш учун, танг вазиятлардан қутилиш йўлларининг излаш учун, шу жумладан, бу ерда, Рейкьявикда гап борган танг вазиятлардан қутилиш йўлларини излашдан иборат умумий курашга қўшилиш кераклигини биз ҳаммамиз ҳозир ҳис қилишимиз учун, айниқса, қудратли омил бўлиб қолмоғи керак, деб ўйлайман. Аслини олганда, бу ерда ҳам танг вазиятлардан бири вужудга келди. Лекин мен умидли кишиман.

Савол (ГДР телевидениеси). Сиз учрашув натижалар бермади, дедингиз. Бу гапингиз учрашув фойдасиз ҳам бўлмаганлигини билдирадими? Рейкьявикдаги учрашувлардан сўнг тинчлик ишончлироқ бўлиб қолди, деб ҳисоблайсизми?

Жавоб. Сиз ўз саволингизни яхши ўйлаб олгансиз, деб ўйлайман. Немис дўстларимизнинг фикрини аниқ ифодалаши ҳамиша менга ёқади. Илгари топилган бўлиб туйилган масалалар юзасидан келишолмаган ҳолда учрашувимизни тугатганлигимизга қарамай, Рейкьявикда рўй берган ишлар афсуслантиради, умидсизлик туғдиради, деб ўйлайман. Лекин мен бу учрашувни натижасиз бўлди, дея олмасдим. Аксинча, бу учрашув масалаларнинг ечимларини излашдаги мураккаб ва қийин мулоқотларда ҳар ҳолда бир поғонадир. Умуман, биз осон бўлмаган масалалар юзасидан осон бўлмаган ечимларни излаяпмиз. Шунинг учун ҳам оламга ваҳима солиб юрмайлик. Лекин, айни маҳалда дунёдаги кишилар ўзларини четдан туриб кузатувчи деб ҳис этмасликлари учун нималики ишлар бўлаётган бўлса, улар шуларнинг ҳаммасини билишлари кераклигини айтиб ўтиш лозим. Ҳозир барча кучлар актив ҳаракат қиладиган пайт етди.

Савол (Америка Эй-Би-Си телекомпанияси). Бош секретарь жаноблари, Президент Рейган билан ядро қуролларини камайтириш борасида битимга эришиш имкониятига эга бўлиб турганлигингиз ҳолда нима учун Совет томони СМТ юзасидан олиб бориладиган тадқиқотларга рози бўлмаганлигини тушуна олмаяпман. Ўзингиз ҳам Женевада ядро қуролларини камайтириш учун катта ҳақ беришга тайёрман, деган эдингиз-ку, ҳозир шундай имкониятлар бўлиб турганида Сиз уларни қўлдан чиқариб юбордингиз.

Жавоб. Берган саволингизнинг ўзидаёқ танқид аломатлари бор, шунинг учун ҳам мен унга муфассалроқ жавоб қайтараман

Биринчидан, АҚШ Президенти Рейкьявикка икки қўлини бурнига тиқиб, қуруқ чўнтак билан келибди. Америка делегацияси Женева музокараларининг ивирсиғини келтирибди, деган бўлур эдим. Ҳар ҳолда Совет томонининг узоқни кўзловчи таклифлари туфайлигина биз стратегик ҳужум қуролларини камайтириш, ўртача ракеталар юзасидан жуда катта аҳдномалар тузиша олдик. (Бу аҳдномалар ҳали расмийлаштирилмаганлигини айтиб қўяй). Табиийки, биз мана шу шароитда ядро қуролини кўплаб камайтириш тўғрисидаги шундай битимларни имзолайдиган бўлсак, муродга етиш учун ўнлаб йил қадам босилган шу қийин жараённи барбод этадиган ҳеч нарса рўй бермаслиги тўғрисида қайғурмоқ кераклиги сиёсатчига ҳам, ҳарбий одамга ҳам, оддий нормал кишига ҳам аён, деб ўйлайман.

Шунда биз ракетадан мудофаа шартномасини мустаҳкамлайлик, деган масалани қўйдик. Америка томони эса ҳамиша ракетадан мудофаа шартномасига чоҳ қазиб келади. У СҚЧ-2 шартномасини аллақачон шубҳа остига қўйди ва эндиликда у Рейкьявикда ракетадан мудофаа шартномасини ҳам дафн этишни, дафн этганда ҳам Совет Иттифоқи ва Горбачев иштирокида дафн этишни ташкил қилишни хоҳларди. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Шундай бўлса бутун дунё бизни тушуна олмасди. Бунга мен аминман.

Башарти, биз қуролланиш пойгаси жараёнини ҳар ҳолда тийиб туриш учун анча-мунча иш қилиб қўйган сўнгги механизм — ракетадан мудофаа шартномасига ҳам ҳужум қила бошласак, — унда сиёсатчи сифатида ҳеч нарсага арзимаслигимизга бу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси ишонаверарди. Ядро қуролларини кўплаб камайтириш бошланганида ракетадан мудофаа шартномасининг шартларини сақлаб қолиш озлик қилади, бу шартномани яна да мустаҳкамлаш керак, деб ҳисоблаймиз. Шундай қилиб, биз шартномани мустаҳкамлаш механизмини таклиф этдик: мамлакатларимиздаги ядро потенциали батамом камайтириб, йўқотиб юбориладиган 10 йил мобайнида ракетадан мудофаа шартномасидан чиқиш ҳуқуқидан фойдаланмасликни таклиф этдик... Айни маҳалда ҳеч ким — Совет Иттифоқи космосга доир тадқиқотларда Американдан ўзиб олға кетишга, яъни ҳарбий жиҳатдан устунликка эришишга интилмаслиги, Америка эса Совет Иттифоқига нисбатан шундай қилишга интилмаслиги учун биз лаборатория тадқиқотлари ва синовларини ёқлаймиз-у, лекин ана шу тадқиқотлар ва космик ракетадан мудофаа қисмларининг синовлари билан космосга чиқишга қаршимиз, дедик. Бизнинг талабларимиз ана шундай. Шундай қилиб, ушбу ҳолда ҳам бизнинг талабларимиз Американинг позицияларини назарда тутувчи амалий талаб бўлди. Америка бунга рози бўлса, у лаборатория тадқиқотларини давом эттириш доирасида ўз масалаларини ҳал этиш имкониятига эга бўлар эди-ю, лекин ракетадан мудофаа космик системасини яратишга урина олмасди. Бу ердаги мантиқ, болалар айтмоқчи, метин мантиқ деб ўйлайман. Баъзида болалардан ҳам ўрганиб туриш керак.

Энди хотин-қизларга сўз берайлик.

Савол («Гардиан» газетаси). Рейкьявикда рўй берган воқеалардан кейин Совет Иттифоқи Ғарбий Европага нисбатан бирон янги ташаббусларни режалаштиряптими?

Жавоб. Нималарни гапираётган бўлсам, шуларни Ғарбий Европа тинглаб турибди, деб ўйлайман, агар у бизнинг таклифларимизни ўйлаб, диққат билан ўрганиб чиқса, бу таклифлар Ғарбий Европа манфаатларига мос эканлигини пайқаб олади. Янги тафаккур ниҳоллари илдиз отаётган ва Европа уйимизни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун масъулият ҳислари ортиб бораётган паллада Ғарбий Европа манфаатларига бефарқ қарай олмаслигимизни тушунамиз.

Савол («Ньюсуик» журнали). Вашингтонга бориш хусусидаги ниятларингиз қандай? Унга қадар бир-икки битимга эришиш зарурлиги тўғрисида гапирдингиз. Сиз Вашингтонга визит билан боришингиздан олдин ана шундай битимларга эришиш мумкинми?

Жавоб. Бугунги куннинг бутун жиддийлигига қарамай, биз Вашингтондан узоқлашганимиз йўқ, балки унга яқинлашдик, деб ўйлайман. Агар Президент ва Америка маъмурияти бугун бу ерда, Рейкьявикда нима ҳақида гап борган бўлса, ана шуларни ўрганишни давом эттириш ҳақидаги менинг таклифимга қулоқ солса ҳамда улар ўзлари зарур деб ҳисоблаган доираларда маслаҳатлашиб кўрсалар, мен ҳали ҳамма нарса бой берилгани йўқ, деб ўйлайман. Биз бу ерда Рейкьявикда қўлга киритган нарсаларга таяниб Вашингтондаги учрашувни реал ва мумкин ҳолга келтирувчи битимларга эришиш имконияти бор ва бундай учрашув натижали бўлиши мумкин.

Савол (Американинг Си-Эн-Эн телекомпанияси). Жаноб Горбачев, сиз ўз нутқингизда Президент Рейган вазият тўғрисида ўйлаб кўриши ва конгресс билан маслаҳатлашиши, Америка халқи билан маслаҳатлашиши лозим, дедингиз. Америка жамоатчилиги бу хусусда совет ёндашувини қўллаб-қувватлайди, деб ҳисоблайсизми?

(Давоми 3-бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

(Давоми. Бошн 1- ва 2- бетларда).

Жавоб. Сабр қиламиз, кўрамиз.

Савол («Руде право» газетаси). Сиёсат арбоби ва юрист сифатида сизга саволим бор. Сизнингча, ракеталаро асрида инсон ҳуқуқлари масалаларида устунлик қандай намоён бўлади ва уруш ҳамда тинчлик масалаларини ҳал этишда инсон омили қандай роль ўйнаши мумкин?

Жавоб. Сиз файласуф экансиз. Айтишим мумкинки, мен ҳам олдин фалсафа билан шуғулланганман ва ҳозир яна шуғуллана бошладим. Менимча, биз инсон ҳуқуқлари тўғрисида гапирганимизда бугунги кунда тинчликни сақлаб қолиш, инсонга таҳлика солаётган ядро хавф-хатарини бартараф этиш тўғрисидаги масала энг асосий устун масала эканлигини эсда тутишимиз лозим. Тинчлик бўлса, ҳаёт бўлади. Проблемаларни эса бир амаллаб ҳал қилиб оламиз. Дунёда маълумотли кишилар тобора кўпайиб бормоқда. Халқлар ҳамма нарсани тушуниб оладилар, деб ўйлайман. Шу боисдан биз инсон ҳуқуқлари тўғрисида гапирганимизда инсоннинг яшаш ҳуқуқини ҳал биринчи ўринга қўйган бўлар эдим. Бу биринчидан.

Иккинчиси. Инсон омили тўғрисида. Ядро асрида (айни шунда мен янги тафаккур намоён бўлаётганлигини кўриб турибман) ядро уруши хавфи тинчлик учун, урушнинг олдини олиш учун курашда инсон омилининг роли ҳақидаги масалани янгича қўймоқда, деб ўйлайман. Чунки бугунги кунда ана шу уруш қаерда бошланишидан қатъи назар ҳаммага дахлдор бўлади. Ғаразгўй кишиларгина урушга қарши ҳамма ҳаракатлар, тинчликни ҳимоя қилиб чиқаётган ҳамма кишилар—бу Москванинг найранглари, деб ҳисоблашлари мумкин. Бугунги кунда хотин-қизлар, болалар, ҳамма ёшдаги эркаклар дунё ядро уруши хавфи томон бораётган бир пайтда оёққа туриб, қўлниқўлга бериб ана шу хавфли тенденцияни тўхтатишни талаб қилмоқдалар. Бундай шароитда инсон омилининг роли ғоят ортади, деб ўйлайман.

Савол («Известия» газетаси). Оқ уйда совет қитъалараро ракеталари Америка учун асосий хавф, деб кўп ва тез-тез гапиришди. Биз эса Рейкьявикда Америка учун ана шу асосий хавфни ўн йил ичида тугатишни таклиф этдик. Сизнинг тассуротингиз қандай, нима учун бошқа томон ўз мамлакатини ана шу асосий хавфдан қутқаришга, халос этишга тайёр эмас экан?

Жавоб. Сиз бу масалани жуда тўғри кўтардингиз. Америка томони Совет Иттифоқининг гўё қуролсизланиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ниятлари жиддий эмас, у Американинг ташвишланаётганлигини ҳисобга олмаяпти ва ҳоказолар, деб даъво қилиш учун шу масаладан кўп йил давомида фойдаланиб келди.

Қўриб турибсизки, биз қитъалараро ракеталарни тубдан қисқартиришга рози бўлдик. Бунинг устига масалани ғоят кескин қилиб қўйдик. Биз ҳам, америкаликлар ҳам тан олган уч хил стратегик қуроллар мавжуд. Биз мана шу уч хил стратегик қуролли кучларни дастлабки беш йил ичида 50 процент қисқартиришни таклиф этдик . Бу жуда катта қадам.

Лекин шу билан бирга америкаликларга биз ҳам ташвишланаётганлигимизни айтдик. Ахир АҚШда стратегик кучларнинг 70 проценти сувости кемаларида жойлашган. Бунинг маъноси шуки, каллаги қисмларга ажралиб алоҳида-алоҳида мўлжалга олдириладиган 656 та ракета бор. Маълумки, сувости кемалари Совет Иттифоқи атрофидаги денгиз ва океанларда сузиб юрибди. Улар қаердан зарба беради? Бу эса Ерда жойлаштириладиган оғир ракеталардан ҳам ёмонроқ.

Қисқа қилиб айтганда, масалани ҳал қилишни хоҳлашмаса, проблемаларни излаб қолишади, сунъий ғовлар вужудга келтиришади, бироқ бу ерда ана шу ғовлар олиб ташланди. Ана шуниси муҳимдир. Чунки биз Америка учун стратегик аҳамиятга эга бўлган ўртача олислик ракеталари хусусидаги шартларимизни олиб ташлаб жуда катта қадам қўйдик. Бунинг устига стратегик мақсадларга мўлжалланган ракеталар тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида олдинги марраларда жойлаштириладиган воситаларни ҳисобдан чиқариб ташладик. Буларнинг ҳаммаси бизнинг янги ниятимиздан далолат бермоқда. Шунга қарамай, америкаликлар бу масалада бизнинг позициямизга яқинлашишни истамадилар.

Америкаликлар космос орқали биздан ҳарбий устунликка эришишни ва президентлардан бири айтганидек, ким космосда ҳукмрон бўлса, Ерда ҳам ўша ҳукмронлик қилади, деган ғояни рўёбга чиқаришни ўйламоқдалар. Бу эса жаҳонгирлик даъволарига дуч келаётганлигимизни кўрсатмоқда.

Бироқ ҳозирги дунё аввалги дунё эмас. У Америка Қўшма Штатларининг ҳам, Совет Иттифоқининг ҳам мулки бўлишни истамайди ва бўлмайди ҳам. Ҳар бир мамлакат ўз йўлини танлаб олиш, ўз идеологиясига, ўз бойликларига эга бўлишга ҳақлидир. Агар биз шуни тан олмасак, у ҳолда халқаро муносабатлар ҳам бўлмайди. У ҳолда бетартиблик ва муштумзўрлик ҳуқуқи мавжуд бўлади. Биз бунга ҳеч қачон рози бўлмаймиз.

Америка қудратли ва ҳарбий жиҳатдан биздан устун бўлган эски даврни жуда қўмсаётганга ўхшайди, — ахир биз урушдан чиққанимизда иқтисодий жиҳатдан заифлашиб қолган эдик.

Чамаси, Америкада ўтмишни қўмсаш мавжуд бўлса керак. Аммо шунга қарамай, америкалик музокарадошларимизга бугунги реалликларни англаб етишларини тилаймиз. Улар шундай қилишлари ҳам зарур. Акс ҳолда, агар америкаликлар бугунги категориялар билан фикр юритмасалар, ҳозирги реалликка асосланмасалар, тўғри қарорларни излаш йўлида силжий олмаймиз.

Савол (Болгария телевидениеси). Менинг тушунишимча, Женевадаги музокаралар тўхтатилмайди ва совет раҳбарлари совет делегациясига шу вақтгача ҳал этилмаган масалаларни ҳал этиш йўлларини излаш ҳақида топшириқ бермоқчими?

Жавоб. Сиз ҳақсиз.

Савол. Сиз нима деб ўйлайсиз, Рейкьявик учрашувидан кейин Америка делегациясига ҳам ана шундай йўл-йўриқлар бериладими?

Жавоб. Мен худди шундай бўлади, деб умид қиламан.

Савол (ЧТК телеграф агентлиги). Сизнингча, Рейкьявикдаги учрашув натижалари Умумевропа жарангига қандай таъсир қилади?

Жавоб. Сиёсатчилар ҳам, Европа халқлари ҳам шу масъулиятли ҳамма нарсани англайдилар, деб ўйлайман. Вақт қуруқ сўзлардан иборат ваъдалар бериб, конкрет иш қилмасликни эмас, балки ҳаракат қилишни тақозо этмоқда. Дунё чарчади, сафсатабозлик дунёнинг жонига тегди, дунё реал тараққиётга: қуролсизланишга, ядро қуролини тугатишга муҳтождир. Ана шу тенденция кучайиб боради, деб ўйлайман. Айниқса, мен сиёсатчилар ва Европа халқлари донолиги ва масъулиятига умид қиламан.

Савол (Американинг Эн-Би-Си телекомпанияси). Менинг тушунишимча, сиз халқаро ҳамжамиятнинг бошқа аъзоларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиб, Қўшма Штатларга таъсир ўтказиш ва уни ўз фикрини ўзгартиришга мажбур этиш учун ўзига хос воситачи бўлишга даъват этяпсизми?

Жавоб. Воситачилик сизларда қанчалик ривожланганлиги, Америкада сиёсий жараён қандай ўтиши бизларга маълум. Балки шу сабабли Президентнинг бу учрашувда қарор қабул қилиши қийин бўлгандир. Аммо тинчликни мустаҳкамлаш, шу мақсад йўлида реал қадамлар қўйиш ҳақида гап бораётган бир пайтда, бир-галикда куч-ғайрат сарфлаш зарур бўлган пайтда — бу фақат Қўшма Штатлар ва Совет Иттифоқига эмас, балки ҳаммага тааллуқлидир — бундай пайтда воситачилик тўғрисида эмас, балки жавобгарлик туйғуси, халқларнинг соғлом фикри, бугунги дунё қандай бойлик эканини, уни асраш зарурлигини тушуниб етиш тўғрисида гапириш керак, деб ўйлайман. Шу сабабли тинчлик учун курашаётган халқларни ёки ҳаракатларни Совет Иттифоқи фойдасига воситачилик қилувчилар, деб айблаш — уларни ҳақорат қилишдир. Одамлар ўзларининг сиёсий ва гражданлик позицияларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар. Гап ана шу ҳақда бормоқда.

Савол (Исландиянинг «Моргунбладид» газетаси). Мен Исландияда газета нашири бўлиб ишлайман. Рейкьявикка келиш тўғрисидаги қарорингиз қийинчиликлар туғдирмадими? Ахир Исландия — НАТО аъзосиқу? Айни пайтда, мазлумки, бизнинг ҳукуматимиз шимолни ядросиз зона, деб эълон қилишни ёқлаб чиқди, бу хусусда сизнинг фикрингизни билишни истар эдим.

Жавоб. Мен гапимни шу мавзу билан тугатмоқчи эдим ва Исландия матбуоти вакилининг саволидан мамнуният билан фойдаланиб қоламан. Эслатиб ўтмоқчиманки, мумкин бўлган учрашув жойи сифатида Исландияни айни биз таклиф этдик. Шу сабабли бу хусусда ҳеч қандай қийинчиликлар бўлгани йўқ.

Исландия ҳукумати, Исландия халқи ушбу учрашувни ташкил этиш юзасидан барча масалаларни ҳал этиш мақсадида ўзларининг бутун потенциалидан, — ҳам инсоний, ҳам ташкилий, ҳам моддий потенциалидан фойдаланганликлари учун уларга миннатдорчилик билдиришни истайман. Биз бундан миннатдормиз, бу ерда ўзимизни жуда яхши ҳис этдик.

Исландияда кўп учрашувларда қатнашган Раиса Максимовнанинг гапларидан мен жуда кўп қизиқарли нарсаларни билиб олдим. Бу учрашувларнинг ҳаммаси мароқли бўлди, дўстона муҳит, мамлакатимизга бўлган зўр қизиқиш бизни қувонтирмоқда. Исландия, исланд ҳукумати қилган ишлари учун биз улардан миннатдормиз. Халқингизга равнақ тилаймиз. Мамлакатингиз ҳукумати шимолни ядросиз зона, деб эълон қилишни истаётгани хусусида саволингизнинг охирги қисмига келганда эса, биз буни табриклаймиз.

Азиз дўстлар, эътиборингиз учун ташаккур. Сиз билан биз вақтимизни фойдали ўтказдик, деб ўйлайман Сизларга яхшилик тилаймиз. Хайр.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

Жаҳон жамоатчилиги эътиборида

РЕЙКЬЯВИК. Бу ерда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг АҚШ Президенти Р. Рейган билан учрашуви тугади.

Ядровий қуролсизланишнинг асосий масалалари ва халқаро хавфсизликни таъминлаш йўллари муҳокама қилинди.

Учрашув тугаганидан сўнг М. С. Горбачев матбуот конференцияси ўтказди. Унда дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келиб, учрашувнинг матбуот марказида рўйхатдан ўтган мухбирлар ҳозир бўлдилар.

М. С. Горбачев ўз Баёнотида ва саволларга қайтарган жавобларида Президент Р. Рейган билан бўлган учрашув якунлари хусусидаги ўз фикрларини баён этиб берди.

ВЕНА. Австрия телевидениесининг шарҳчиси Совет Иттифоқи Рейкьявикдаги учрашувда қуролсизланиш, ядро қуролини чеклаш ва ядро уруши хавфининг олдини олиш хусусида бирталай аниқ-равшан таклифларни ўртага қўйганини уқтириб, «ҳамма проблемаларга тааллуқли бўлган бу таклифлар ўз мазмунига кўра мисли кўрилмаган таклифлар бўлди», деб таъкидлади. Аммо Қўшма Штатлар бу таклифларни рад қилди. Қўшма Штатлар ўзининг «стратегик мудофаа ташаббуси» режаларини амалга оширишга интилаётганини Рейкьявикдаги учрашув кўрсатиб берди. Америка маъмуриятининг бу позицияси АҚШнинг Ғарбий Европадаги иттифоқчиларини ҳам, шунингдек америкалик сайловчиларни ҳам норози қилади, деб уқтирди Австрия обзорчиси.

НЬЮ-ЙОРК. Американинг жаҳонга машҳур астроном олими, Карнелли университетининг профессори Карл Саган ядровий қуролланиш пойгасини жиловлаш йўлида зудлик билан самарали чоралар кўриш кераклигини айтди. У Америкадаги Си-Эн-Эн телекомпаниясининг мухбири билан суҳбатида бундай деб таъкидлади: «Ҳозирги вақтда, биринчидан, «самовий урушлар» программасидан воз кечиш, иккинчидан, ер ости ядро синовларини тақиқлаш ёки, ҳеч бўлмаганда, бу синовларнинг қувватини кескин чеклаб қўйиш ва учинчидан, стратегик ядро қуроллари запасларини анча қисқартириш лозим».

(ТАСС, 13 октябрь).

КУЭЛЬЯР ЯНА БМТ БОШ СЕКРЕТАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 11 октябрь. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисда Хавфсизлик кенгашининг Хавьер Перес де Куэльярни (Перу) янги беш йиллик муддат — 1987 йил 1 январидан 1991 йилнинг 31 декабригача БМТ Бош секретари этиб тайинлаш тўғрисидаги тавсиясини бир овоздан маъқуллади.

БМТдаги социалистик мамлакатлар группаси номидан сўзга чиққан Белоруссия ССР ташқи ишлар министри А. Е. Гуринович социалистик ҳамдўстлик давлатлари БМТ Бош секретари билан, БМТга аъзо бўлган барча давлатлар билан Ер юзида тинчлик, хавфсизлик, адолат ва тараққиёт иши тантана қилиши манфаатларини кўзлаб, ҳар томонлама ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлиги ҳамда иштиёқини таъкидлади.

Х. Перес де Куэльяр БМТ Бош секретарининг қасамёдини таъкидлаб, ядро қуролларини йўқотиш учун бутун кучни сарфлашга даъват этди. У СССР ва АҚШ раҳбарларининг Рейкьявикдаги учрашувини табриклаб, унда бутун дунёга дахлдор проблемалар муҳокама этилажагини уқтирди.

«ЯШИЛЛАР» ПАРТИЯСИ МУВАФФАҚИЯТИ

БОННГ. Ғарбий Германиянинг энг жанубидаги Бавария ўлкасида бўлиб ўтган сайловда «яшиллар» партияси катта муваффақиятга эришди. АРД телекомпаниясининг дастлабки ҳисобкитобларига кўра бу партия сайловчилар овозларининг 7,3 процентини олиб, биринчи марта ўлка парламентига ўз вакилларини ўтказди. Баварияда ҳукмронлик қилаётган христиан-социал иттифоқ раиси Франц-Йозеф Штраус бошчилигидаги ўнг консерваторлар партияси гарчи овозларнинг кўпчилигини — 56,1 процентини олишга муваффақ бўлган бўлсада, бу партия раисининг сайлов арафасида айтган умидворлик тахминлари рўёбга чиқмай, ўтган сайловга нисбатан камроқ овоз олди. Социал-демократик партия номзодлари учун сайловчиларнинг 27,7 проценти овоз берди. Эркин демократик партия сайловда қаттиқ мағлубиятга учради.

(ТАСС).

СУИҚАСДГА УРИНИШ

ЛИМА. Перу полицияси мамлакат бўйлаб сафар қилиб юрган президент Алан Гарсианинг жонига қасд қилиш йўлидаги уринишнинг олдини олди. Мамлакатнинг жануби-шарқидаги Пуно шаҳри яқинида жойлашган аҳоли пунктларидан бирида қўлга олинган аёлнинг ёнидан бир неча динамит заряд топилди. Бундан ташқари, Пуно шаҳрининг ўзида портлатиш қурилмалари топилиб, зарарсизлантирилди. Давлат бошлиғи шу шаҳарга келиши лозим эди. Полиция тергов ўтказмоқда.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

МАРРАГА ЕТГАН ХЎЖАЛИКЛАР

ЧИНОЗ районидан яна хушхабар олдик. Куни кеча уч хўжалик — Қарл Маркс номли, «Қизил Октябрь» колхозлари ва «Партия XXIV съезди» совхозининг деҳқонлари пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганликлари ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар.

К. МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗ

ХЎЖАЛИК деҳқонлари съездлар йилида пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун астойдил тер тўкишди. 790 гектар майдонга экилган экин сифатли парвариш қилинди. Барча агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилди. Айниқса, механизаторлар ғўзаларни машинабоп қилиб етилтириш учун алоҳида жон қуйдиришди. Дефолиация етилган карталарда табақалаштирилган усулда ўтказилди. Ҳосилнинг 75—80 проценти очилгандагина «зангори кема»лар ишлатилди. Бригадалар ўртасидаги, механизаторлараро ҳамда кўпмингкилограммчилар ўртасида ташкил этилган мусобақага ишнинг сифатига қараб якун чиқарилди. Шундай қилиб ҳар гектардан 31,5 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олниб, давлат қабул пунктларига 2490 тонна хомашё етказиб берилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ҳосилнинг 82 проценти фақат биринчи сортга сотилди. 15 та терим машинаси ҳар бирининг ўртача иш унуми 118 тоннани ташкил этди.

Хўжалик меҳнаткашлари терим суръатини бир дам ҳам сусайтирмаган ҳолда юксак мажбурият ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Улар бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 36 центнерга етказишга аҳд қилишган.

«ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ» КОЛХОЗИ

БУ ЙИЛ ҳам ишни пухта ташкил этган пахтакорлар терим бошланган дастлабки кунларданоқ суръатни ошириб бордилар. Ҳар бир қулай кун, соатдан самарали фойдаланиб йиллик планнинг 8—9 проценти миқдорида «оқ олтин» тайёрлаб қабул пунктларига топширдилар. Шу кунгача давлатга 2280 тонна пахта топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 31,6 центнерни ташкил этди. «Зангори кема» капитанлари 1380 тонна пахтани териб бердилар.

Колхоз меҳнаткашлари ўз имкониятларини қайта ҳисоблаб чиқиб давлатга планга қўшимча 200 тонна хомашё топшириб, ҳосилдорликни 34,5 центнерга етказиш мажбуриятини олишди.

«ПАРТИЯ XXIV СЪЕЗДИ» СОВХОЗИ

СОВХОЗ деҳқонлари бу йил 830 гектар майдонда пахта етиштирдилар. Ҳосилни эртаги қилиш учун барча агротехника тадбирлари обн. тобида ўтказилди. Мавсумда мавжуд 12 та терим машинасининг ҳаммаси далаларга олиб чиқилди. Улар ёрдамида ҳозиргача 1300 тоннадан ортиқ пахта йиғиштириб олинди. Али Сангилов, Анорбой Таженов, Қозоқбой Сатторов сингари тажрибали механик-ҳайдовчилар ўз агрегатлари бункеридан 100 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкишди.

Ҳозиргача бу ерда гектардан 29,4 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Давлатга 2405 тонна сифатли хомашё етказиб берилди. Лекин, бу биз учун марра эмас, дейишмоқда хўжалик деҳқонлари. Улар ҳосилдорликни камида 35 центнерга етказиб, съездлар йилини муносиб якунлаш учун курашмоқдалар.

ЎРТА ЧИРЧИҚ

◆ ЮСУФ Султонов бошлиқ бригада аъзолари 53 гектар майдонда пахта етиштирган эдилар. Куни кеча бригада деҳқонлари ҳар гектар майдондан 36 центнердан пахта олиб, социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан бажардилар. Асосий ҳосилнинг 85 проценти машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. Охунбобоев номли колхоздаги мазкур бригада аъзолари теримни давом эттирмоқдалар.

ПИСКЕНТ

◆ **СВЕРДЛОВ номли колхознинг Тоштемир Акбаров, шунингдек, Охунбобоев номли колхознинг Сувон Тошев, Темир Пўлатов, ва Аҳмад Илёсов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам йиллик план бажарилди. Айни пайтда барча бригада коллективларида мажбурият ҳисобига пахта топшириш қизғин давом эттирилмоқда.**

ҒАЛАБА

◆ СОБИР ШЕРАЛИЕВ «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида меҳнат қилади. У мавсумда алоҳида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Механик-ҳайдовчилар ўртасидаги ўзаро мусобақада пешқадамлар сафида бормоқда. Шу кунгача С. Шераliев энг кўп пахта тўкиб, шахсий планини ортиги билан бажарди. Унинг мақсади хирмонга яна 18 тонна пахта билан улуш қўшишдир.

⁂

◆ РАЙОН матлубот жамияти союзи ишлаб чиққан тадбирлар асосида пахтакорларга хизмат кўрсатаётган савдо ходимларидан кўп. чилик мамнун бўлмоқда. Сўнгги ўн кунлик мобайнида райондаги 13 та хўжаликнинг барча бригадаларида 10 минг 609 сўмлик савдо хизмати кўрсатилди.

ЯНГИЙЎЛ

◆ **ЕТИШТИРИЛГАН ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдамида териб олиш учун астойдил ҳаракат қилган Турсун Сайфиев бошлиқ бригада аъзолари давлатга 316 тонна пахта топшириб, йиллик планларини бажардилар. Пахтанинг 90 проценти «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Калинин номли колхозда бригадалараро ўтказилаётган мусобақада ғолиб бўлган мазкур коллектив деҳқонлари пахта ҳосилдорлигини 32,5 центнерданга етказиш учун курашяптилар. Шунингдек, Н. Ниёзов номли колхознинг Бўсин Темиров бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам ҳар гектар ердан 30,5 центнердан пахта олиб, йиллик планларини бажаришди. Бу коллектив ҳосилдорлиқни 35 центнерданга етказмоқчи.**

◆ М. ТУРҒУНБОЕВА номидаги Ўзбекистон ССР Давлат хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамбли ҳамда Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри артистларидан бир группаси Ленин номли колхоз деҳқонлари ҳузурида бўлишди. Санъаткорлар ижросидаги куй ва қўшиқлар, спектакллардан кўрсатилган парчаларни йиғилганлар олқишлар билан кутиб олдилар.

БЕКОБОД

◆ ДЗЕРЖИНСКИЙ номли колхоз механизаторлари машина терими планини бажардилар. 25 та терим агрегати ёрдамида планда белгиланган 3075 тонна ўрнига 3100 тонна пахта йиғиштириб олинди. Аъзам Умиров, Абдураим Маматқулов, Мавлон Тўйчиев ҳамда Отамурод Саъдуллаев сингари механик-ҳайдовчилар ўз агрегатларида 120—130 тоннадан пахта теришди.

БЎКА

◆ «ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» ҳамда «Коммунизм» колхози пахтакорлари ҳам машина терими планини бажардилар. «Октябрь 40 йиллиги» колхозида ишлатилган 30 та агрегатнинг ҳар бирида ўртача 85 тоннадан, «Коммунизм» колхозида эса 17 та машинанинг ҳар бирида ўртача 88 тоннадан пахта терилди. Механик-ҳайдовчилардан Сервер Усеинов, Баҳодир Маҳкамбоев, Искандар Аҳмедов, Ғофир Собиров ва Шукур Турдиевлар йиғим-теримда бошқаларга намуна кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 11 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — хўжаликлар, иккинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта, учинчи устун — районлар.

КОЛХОЗЛАР:

1. «Октябрь 40 йиллиги»	104,19	Чиноз
2. «Қизил Октябрь»	95,81	Чиноз
3. К. Маркс номли	94,13	Чиноз
4. Навоий номли	93,45	Чиноз
5. Охунбобоев номли	92,51	Пискент
6. Навоий номли	88,47	Бекобод
7. Свердлов номли	86,10	Ўрта Чирчиқ
8. «Ленинизм»	85,87	Оққўрғон
9. Терешкова номли	83,15	Ўрта Чирчиқ
10. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги»	82,62	Пискент
11. «Коммунизм»	82,33	Янгийўл
12. Калинин номли	82,12	Янгийўл
13. Тельман номли	81,78	Пискент
14. «Победа»	81,34	Бекобод
15. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги»	80,93	Чиноз
16. «Гулистон»	79,65	Пискент
17. «Коммунизм»	79,56	Ўрта Чирчиқ
18. «Октябрь 40 йиллиги»	79,23	Бўка
19. Охунбобоев номли	78,94	Ўрта Чирчиқ
20. Ботинцев номли	78,79	Оққўрғон
21. Н. Ниёзов номли	78,66	Янгийўл
22. Дзержинский номли	78,07	Бекобод
23. «Москва»	77,78	Чиноз
24. Охунбобоев номли	75,56	Чиноз
25. «Партия XXII съезди»	74,89	Ўрта Чирчиқ
26. Ленин номли	74,46	Бекобод
27. Энгельс номли	74,12	Чиноз
28. Калинин номли	73,57	Пискент
29. «Ленин йўли»	73,39	Ўрта Чирчиқ
30. Киров номли	72,93	Чиноз
31. Ҳамза номли	72,65	Бўка
32. Тимирязев номли	72,35	Бўка
33. «Коммунизм»	72,19	Бўка
34. «Заря коммунизма»	71,99	Ғалаба
35. Охунбобоев номли	71,93	Оққўрғон
36. Свердлов номли	71,39	Пискент
37. Фрунзе номли	69,91	Бўка
38. «Северний маяк»	69,80	Ўрта Чирчиқ
39. Свердлов номли	69,73	Коммунистик
40. Ким Пен Хва номли	69,11	Ўрта Чирчиқ
41. Энгельс номли	69,02	Ғалаба
42. К. Маркс номли	68,05	Ўрта Чирчиқ
43. Ленин номли	68,05	Ўрта Чирчиқ
44. «Партия XIX съезди»	67,31	Бўка
45. «Ленин йўли»	63,51	Бўка
46. «Коммунизм»	62,97	Бекобод
47. Ленин номли	62,57	Ғалаба
48. «Партия XX съезди»	62,53	Бўка
49. «СССР 60 йиллиги»	62,36	Янгийўл
50. Куйбишев номли	62,34	Ўрта Чирчиқ
51. «Ленинград»	62,04	Ғалаба
52. «Интернационал»	61,76	Янгийўл
53. К. Маркс номли	61,19	Коммунистик
54. «Коммунизм»	60,50	Оққўрғон
55. Ҳ. Олимжон номли	60,37	Оққўрғон
56. «Правда»	60,09	Коммунистик
57. «Озод»	59,92	Оққўрғон
58. Ленин номли	59,67	Янгийўл
59. «Политотдел»	59,35	Коммунистик
60. «Ленинобод»	59,33	Бўка
61. Энгельс номли	59,17	Ўрта Чирчиқ
62. «Ленинский путь»	59,09	Коммунистик
63. К. Маркс номли	59,08	Бўка
64. «Ўзбекистон»	59,07	Коммунистик
65. А. Икромов номли	58,61	Ўрта Чирчиқ
66. Свердлов номли	57,74	Ғалаба
67. «Ленинизм»	57,49	Бўка
68. «Ленинобод»	56,90	Оққўрғон
69. Ҳ. Турсунқулов номли	56,67	Янгийўл
70. «Партия XXII съезди»	56,54	Оққўрғон
71. Ҳамза номли	56,27	Ғалаба
72. Жамбул номли	54,96	Бўка
73. «Партия XXI съезди»	53,37	Янгийўл
74. Ильич номли	50,79	Бўка
75. «Ленинизм»	50,69	Янгийўл
76. «Победа»	49,90	Ғалаба
77. Навоий номли	49,39	Оққўрғон
78. Куйбишев номли	48,64	Оққўрғон
79. Димитров номли	48,32	Ғалаба
80. «Октябрь»	46,94	Янгийўл
81. Ленин номли	45,37	Пискент
82. Киров номли	43,84	Ғалаба
83. «Москва»	42,61	Ғалаба
84. Мичурин номли	34,07	Бўка

СОВХОЗЛАР:

1. «Партия XXIV съезди»	93,72	Чиноз
2. САМИС	85,63	Янгийўл
3. «Далварзин»	70,48	Бекобод
4. Ойбек номли	68,63	Бекобод
5. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги»	68,06	Ғалаба
6. «КПСС XXVI съезди»	64,94	Пискент
7. «Пискент»	63,96	Пискент
8. С. Сегизбоев номли	62,67	Оққўрғон
9. «Оққўрғон»	61,82	Оққўрғон
10. «Коммунизм»	61,09	Ғалаба
11. ТИИИМСХ	60,95	Ўрта Чирчиқ
12. «КПСС XXV съезди»	60,78	Бекобод
13. Мавлонов номли	60,61	Бекобод
14. «Ленинград»	57,97	Бекобод
15. Киров номли	57,08	Ғалаба
16. «Авангард»	47,40	Бекобод
17. «Кўкорол»	44,54	Бўка
18. Колпакова номли	40,36	Бекобод
19. Бўка техникумининг ўқув хўжалиги	38,92	Бўка
20. «Кремль»	35,62	Бўка

АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

СОВХОЗДА БИРИНЧИ

БЕКОБОД районидаги шоличиликка ихтисослашган «Октябрь 46 йиллиги» совхозида «қирмизи дон» ўрим-йиғими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Хўжаликнинг биринчи бўлимидаги Яков Юнь бошчилик қилаётган бригада шоликорлари мавсум бошидан буён ўзаро мусобақада пешқадамликни қўлдан бермай келяпти. Улар хўжаликда биринчи бўлиб давлатга шоли сотиш йиллик планини бажардилар. 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан дон йиғиштириб олинди. Давлатга 425 тоннадан ортиқ маҳсулот топширилди.

Бу бригадада шолини парвариш қилишдан бошлаб ҳосилни ўриб йиғиб олингунча бўлган ишлар комплекс ташкил этилмоқда. Масалан, ишга пухта тайёргарлик билан киришган бригаданинг механизаторлари Эдуард Ким, Александр Чжан, Леж Ким ўртоқлар ўз комбайнларини юксак унум билан ишлатмоқдалар. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача 120—140 тоннадан дон янчиб қўйишди .Бригада деҳқонлари ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, ҳар гектар ердан яна 25 центнердан шоли йиғиштириб олишга аҳд қилдилар.

Э. ИСМОИЛОВ.

КЕЛИНЛАР КОНКУРСИ

— ВОЙ, Хусниянхон, бу сафар баҳоингиз беш-ку?.

— Ҳа, Ўртоқжон, ўтган гал Матлуба опамлар роса изза қилганлари эсингиздами? Шундан буён анча ўзимга келиб қолганман. Ҳа!

Ёш келинлар ўртасида бўлиб ўтган бу суҳбатнинг мазмунини англагандирсиз. Гап бу ерда ёш оилаларнинг орасталиги, саранжом-саришталик, озодагарчилик, ўзаро муомала маданияти ҳақида бормоқда. Яқинда Акмал Икромов районидаги Акмал Икромов номли маҳалла қошида келинлар тўгараги иш бошлади. Унга маҳалла хотин-қизлари ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган Матлуба ая Сатторова бошчилик қилмоқда.

Тўгарак раҳбарлари маҳаллага янги келин бўлиб тушган ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг рўзғор тутишлари, озодагарчиликлари, қайнона-қайноталарига муносабатидан огоҳ бўлиб туришади. Йиғилишларда ҳулқи, ахлоқи, муомаласи намунали ёш келинларга маҳалла комитетининг раиси ва бошқа активлар иштирокида раҳматномалар билдирилиб, улар энг юқори баллга муносиб деб қайд этилади. Қисқа вақт ичида маҳалладаги қариб юзга яқин келинлар конкурснинг голиби бўлишди.

— Бундай тадбирларнинг аҳамияти ва таъсири ҳозироқ сезилмоқда, — дейди маҳалла комитетининг раиси Латиф Ҳамидов, — лекин, фақат шулар билангина кифояланиб қолаётганимиз йўқ. Маҳаллада кишиларнинг динга, зарарли урфодат ва маросимларга, спиртли ичимликларга муносабати ўрганилмоқда ва бундай ярамас иллатларга қарши иш олиб борилмоқда. Тўйларимиз янгича, ортиқча сарф-ҳаражатсиз, ичкиликсиз ўтказилмоқда. Абдулла Қодирий номли маданият уйида ташкил этилган атеизм клуби яқинда маҳалламизда «Дин ва оила» мавзуида ажойиб суҳбат ўтказди. Унда Тошкент Давлат университети доценти Ғани Набиев атеизм масалалари хусусида лекция ўқиди. Бундай тадбирлар маҳаллада тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйишда ҳам кўл келмоқда.

Р. УСМОНОВА.

ВЕТЕРАНЛАР БИЗ БИЛАН

САТРЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Қўлимизда бундан роппароса 42 йил муқаддам 2-Украина фронтида нашр этилган «За Советскую Родину» газетасининг 23 август сони. Давр измида саҳифалар саргайиб, айрим сўзлар хиралашиб кетган. Ундан қуйидаги сатрларни ўқиймиз:

«1944 йил. Совет Армияси тўхтовсиз ҳужум қилиб, шарқий Европа халқларини немис-фашист босқинчилари чангалидан озод қилмоқда. Гитлерчилар Совет жангчиларининг қудратли зарбасига бардош беролмай, орқага чекинмоқдалар. Ана шундай жангларнинг бирида ўзбек йигити, комсомол аъзоси Юнус Исроилов 2-Украина фронти участкаларининг бирида катта жасорат кўрсатди.

Пулемётчи Ю. Исроилов яқинлашиб келаётган немис газандаларининг бир тўдасини мардона қарши олди. Ҳеч иккиланмай, пулемётини душман тўдаси томон тўғрилади-да, ўт очди.

Бир зумда 25 босқинчини ер тишлатди. Шу каби жасоратлари учун Ю. Исроилов III даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланди».

Ю. Исроилов 1942 йилнинг ноябрь ойида фронтга отланиб, 89-гвардиячи дивизиянинг 556-ўқчи полкида жанг қила бошлади. Дастлаб автоматчи, кейинчалик пулемётчи бўлди. Днепр, Одер, Днестр дарёларидан кечиб ўтиб, жанговар топшириқларни шараф билан бажарди, Ю. Исроилов фронтда Коммунистик партия сафига қабул қилинди.

Кўксини орден ва 13 та турли медаллар безаб турган Юнус Исроилов ўз қишлоғига ғалаба билан қайтди.

Ҳозирги кунда собиқ жангчи Тошкент денгизи соҳилида жойлашган Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводининг дам олиш зонаси директоридир. У ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳнатдан сўнг, мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун шароитлар яратиб беришга бошқош бўлмоқда.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

КОРХОНА ОТАЛИҒИДА

◆ ТОШКЕНТ трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳриміздаги қатор мактабларга оталиқ ёрдами кўрсатиб келмоқда. 211-ўрта мактаб педагогик коллективи ҳам корхона ишчиларидан мамнундир.

Ёш математикларга информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари курси чуқур ўргатилмоқда. Янги ташкил қилинган курс корхонанинг тажрибали мутахассислари ёрдамида олиб борилмоқда. Амалий машғулотлар эса заводнинг ҳисоблаш марказида ўтказилади.

ВОДИЙ ТАРОНАЛАРИ

◆ РЕСПУБЛИКА ижодкор ёшлар фестивали доирасида жойларда қизиқарли маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Айниқса, «Оҳангарон водийси тароналари» деб номланган санъат фестивали кўпчиликка манзур бўлди.

Пойтахт области шаҳар ва районларида ўтказилаётган бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқишлари, таниқли санъаткорлар, Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрининг етакчи актёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти Р. Иброҳимова, Ўзбекистон Давлат филармониясининг солисти М. Ғафуроваларнинг чиқишлари ҳам илиқ қарши олинди.

Санъат фестивали концертларидан тушган маблағ чернобилликлар ёрдам фондига ўтказилди.

С. ОДИЛОВА.

ОБУНА БЎЛИНГ

Ҳурматли газетхонлар!

Иттифоқимизнинг ҳамма жойлардаги каби республикамизда, жумладан, областимизда ҳам 1987 йил учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда.

«Тошкент ҳақиқати» газетасига ҳам обуна бўлишни унутманг.

Бунинг учун «Союзпечать» агентликларига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилишингиз мумкин. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади. 1 ноябрдан обуна бўлганларга эса газета 1987 йил февралидан бошлаб етказиб берилади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ: 1 йилга — 6 сўм 60 тийин.

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчи Совет бу сафар қабулни Калинин районидаги Калинин номли колхозда «Очиқ хатлар куни» сифатида ўтказади. Меҳнаткашларни қабул қилиш, уларнинг хат ва шикоятларини ўрганиш билан бирга меҳнатсиз даромадларга қарши кураш ҳақидаги қонуннинг бажарилишида жамоатчиликнинг иштироки тўғрисида суҳбат ҳам ўтказилади, турли саволларга жавоблар берилади.

Жамоатчилик Советининг редакция ходимлари иштирокидаги кўчма йиғилишини Тошкент область прокурорининг ёрдамчиси Ҳошим Набиев бошқаради. Учрашувда область юстиция бўлими, ички ишлар бошқармасининг масъул ходимлари, область агросаноат комитети юристлар группаси вакили иштирок этишади. Қизиққан ўртоқлар қатнашишлари мумкин.

Қабул 15 октябрь соат 13.00 да колхоз правлениеси биносида ўтказилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ СОВЕТ ҚАБУЛХОНАСИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ленин орденли «СОЮЗГОСЦИРК» Бутуниттифоқ бирлашмаси
Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги билан биргаликда
Қайта ташкил этилган

ЎЗБЕК ЁШЛАР КЎП ЖАНРЛИ ЦИРК КОЛЛЕКТИВИГА

КОНКУРС ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсга 16 дан 25 ёшгача бўлган қизлар, ёши 25 дан катта бўлмаган, Совет Армияси сафларида хизмат бурчларини ўтаб қайтган йигитлар қўйиладилар.

Конкурсдан муваффақиятли ўтган йигит ва қизлар стажёрлик группасига ишга қабул қилинадилар. Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар айни вақтда командировкалар ўрнига қўшимча асосий маошнинг 50 процента миқдорида устама ҳақ оладилар.

Конкурс давомида дирекция ётоқхона билан таъмин этмайди.

Конкурсда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: яшаш жойидан справка, медицина справкаси (икки нусхада 086 IV форма), паспорт, ҳарбий билет, аттестат ёки маълумоти ҳақидаги диплом, меҳнат дафтарчаси (нусхаси), разряд ва спорт мастери эгалари учун классификация дафтарчаси, таржимаи ҳоли, 2 дона фотосурат (3х4 см.), спорт формаси.

Конкурсли-қабул 1986 йил 14 октябрь соат 12.00 да Тошкент давлат цирки манежида ўтказилади (700011, Тошкент шаҳри, «Ҳадра» майдони). **Консультациялар олиш учун телефон 44-35-94.**

Қовоқ — тансиқ неъмат

ҚОВОҚ РАНГ-БАРАНГ ТАОМЛАР — СОМСА ВА МАНТИ, ЧУЧВАРА, ЖАРКОП, ПИРОГ ВА ШИРИН СИРОПЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИШЛАТИЛАДИ. ҚОВОҚ ҚИЙМА ҚИЛИНАДИ, УНИ ПАЛОВ, ШЎРВА ВА КАШАГА ҲАМ ҚЎШИШ МУМКИН.

Қовоқ таркибида қанд, оқсил, минерал тузлар бор. У С ва А витаминларига бой. Қовоқ таркибида пектин моддаси бор.

ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ЎЗ ВАҚТИДА ҚОВОҚЛИ ТАОМЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИБ ТУРИШ ФОЙДАЛИДИР.

ҚОВОҚ МАНТИ

Хамир қориб, думалоқ зувала ясайсиз ва 10 минут тиндириб қўясиз. Шундан кейин зувалани 2 мм. қалинликда ёйиб 10х10 квадрат ҳажмда қирқасиз. Ҳар бир парча хамирга бир ош қошиғида қовоқ қиймасини соласиз, манти тугиб қасқонга қўясиз.

Қийма қовоқ ва пиёздан тайёрланади. Қовоқни майда кубикча шаклида тўғраб, унга майда тўғралган пиёз, думба, янчилган мурч, туз солиб яхшилаб аралаштирасиз.

Қовоқ манти қасқонда 30-40 минут димлаб пиширилади. Мантини дастурхонга тортишда аввал устига эриган ёғ ёки қаймоқ суртасиз.

Масаллиқ: хамир қориш учун 500 грамм ун, 1 дона тухум, 1 чой қошиғида туз, 1 стакан сув ишлатилади.

Қийма учун 1 килограмм тозаланган қовоқ, 4-5 бош пиёз, 1 чой қошиғида туз ва янчилган мурч, 150 грамм қўй думбаси керак бўлади.

Манти устига суртиш учун 1 ош қошиғида эритилган ёғ ёки 2 ош қошиғида қаймоқ керак бўлади.

ҚОВОҚ СОМСА

Хамир қориб зувала қиласиз, устига сочиқ ёпиб, 30 минут давомида ошириб қўясиз.

Қовоқ қиймасини тайёрлаш учун 2,5-3 килограмм оғирликда қовоқ олиб тозалайсиз ва бўлаклаб қирқасиз ва уни қирғичдан ўтказиб кубикча қилиб тўғралган қўй думбаси билан аралаштирасиз, майда тўғралган пиёз соласиз, туз, мурч, зира соласиз.

Зувалани 2-3 миллиметр қалинликда ёйиб, эритиб доғланган ёғ ёки маргарин суртасиз, ёйилган хамирни рулет шаклида ўрайсиз. Рулетни 3-5 сантиметр кенгликда бўлаклаб кесасиз. Ҳар бир бўлак хамирни ўқлоғида 2-3 миллиметр қалинликда кулча шаклида ёясиз (бу пайтда ун сепмайсиз). Кулчага қиймани солиб уч бурчак шаклида тугасиз, тугилган томонини тоза товага терасиз ва духовкада ўртача алангада 20-30 минут давомида қизартириб пиширасиз.

Хамир қориш учун 1 килограмм ун, 2 стакан сув, 1 чой қошиғида туз, 100 грамм маргарин, хамир қатламани мойлаш учун 200 грамм маргарин ишлатилади.

Қовоқ қийма тайёрлаш учун 3 килограмм оғирликда қовоқ, 1 килограмм пиёз, 300 грамм қўй думбаси, қора мурч, зира ва 1 чой қошиғида туз керак бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АГРОСАНОАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

УЛЬТРАТОВУШ ЁРДАМИДА

ЧИРЧИҚ шаҳридаги медицина-санитария қисми ўнга яқин саноат корхонаси ишчи ва хизматчиларига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ердаги офтальмология бўлими фаолияти ҳам кенг йўлга қўйилган.

Бўлимнинг ташкил этилганига 20 йилдан ошиб қолди. Дастлаб 15 ўринигагина эга бўлиб, даволаш учун шарт-шароитлар етарли эмас эди. Эндиликда эса замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган офтальмология бўлими энг намунали даволаш бўлимига айланган.

Айни пайтда бу ерда даволашнинг илғор усуллари қўлланилмоқда. Ультратовушли хирургик усуллар билан турли операциялар ўтказилмоқда. Шифохонада операцион микроскоплардан ҳам фойдаланила бошланди. Бу эса катаракта, глаукома каби кўз касалликларини даволашда қўл келмоқда.

А. АЛИЕВ.

«ҲУШЁРЛИК—ЮКСАК МАДАНИЙ ХИСЛАТ»

◆ Ғазалкентда ўтказилган ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши ташвиқот ҳафталиги ана шундай деб аталди. Ҳафталик давомида район хўжаликларида «Билим» жамияти лекторлари, маъмурий органларнинг ходимлари ичкиликка қарши лекция ва суҳбатлар ўтказишди. Шунингдек, энг яхши сатирик газеталар, уй таомлари ва қандолат маҳсулотлари конкурслари уюштирилди.

Шаҳардаги Ленин номли майдонда уюштирилган ҳажвий қўшиқ ва шеърлар кечаси билан ҳафталикка якун ясалди.

М. ФЗАЛОВА.

ИККИ МИНГ ЙИЛЛИК ВОДОПРОВОД

● Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон халқлари тарихи музейи билан археология институтининг қўшма экспедицияси эски Термизда икки минг йиллик водопроводни қазиб очди.

Амударёнинг ўнг соҳилида, ҳозирги область марказидан ўн километр нарида Шахристон — қадимий шаҳар қолдиқлари сақланган. Бу ерда қадим замонларда бақувват истеҳком деворлари, ибодатхона комплекслари, саройлари бўлган шаҳар мавжуд эди. Бу шаҳар 500 гектар чамаси ерни эгаллаган.

Олимлар ўзларича мудофаа девори деб ўйлашган дўнгликни муфассал ўрганиб чиққанларида у иҳота иншооти эмас, балки... водопровод бўлиб чиқди. Қадимги усталар кўп нарсаларни назарда тутганлар: сув қувурларини ётқизиб бўлгач, устига тупроқ уйиб дўнглик ҳосил қилганлар. Қазишмалар чоғида сув тиндириладиган жойлар ҳам топилди. Чиғирлар Амударё сувини 10—12 метр баландликка кўтариб берган. Сув қувурлари яхши сақланган. Икки километрга чўзилган қувур ҳунармандларнинг устахоналарини, будда ибодатхонаси, саройни ва Шахристоннинг шимолий қисмида жойлашган фуқаро уйларини сув билан таъминлаб турган.

Ҳозирга қадар қадимги водопроводлар бўлганлиги ёзма манбалардан маълум эди. Шулардан бири Мароканд (Самарқанд)ни сув билан таъминлаган водопровод тасвири сақланиб қолган. Усталар уни сепояларга махсус новларни ўрнатиб қурганлар.

ЎзТАГ мухбири.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

САМБО

◆ «ТРАКТОР» спорт залида республика кубоги учун бўлиб ўтган мусобақаларда турли кўнгилли спорт жамиятларининг 164 вакили қатнашди. Тошкентлик спортчилар 10 та вазнининг олтитасида биринчи ўринни эгаллашди. А. Алиев, Ф. Аъзамов, В. Сорокин, М. Дадаҳўжаев, О. Моторин, В. Рябининлар ҳурмат шохсупасининг энг юқорисига кўтарилишди. Тошкент области вакили, «Меҳнат» жамияти аъзоси М. Қосимбеков ҳам ғолиблар сафидан жой олди. Команда ҳисобида Бухоро области вакиллари биринчи, пойтахт области самбочилари иккинчи ўринни эгалладилар.

ХОККЕЙ

◆ «БИНОКОР» навбатдаги учрашувларни ўз майдонида Усть-Каменогорск-нинг «Торпедо» коллективи билан ўтказди. Меҳмонлар 3:1 ва 10:3 ҳисобларида ғолиб келишди.

ШАХМАТ

◆ МАСТЕРЛИККА номзод шахматчилар турнири қатнашчилари кеча олтинчи тур ўйинларини ўтказишди. 28 спортчи қатнашаётган бу турнирда беш имкониятдан 5 очко тўплаган тошкентлик Валерий Косокин пешқадамлик қилмоқда. Игорь Барсуков ҳисобида 4 очко бор.

ТЕННИС

◆ «ДИНАМО» ва «Буревестник» кортларида давом этаётган СССР шахсий чемпионатида дастлабки учрашувлар бўлиб ўтди. Тошкентлик армиячи Виктор Богатирев ужгородлик Степан Сербайлони 6:4 ва 6:3 ҳисобида, сўнгра эса ригалик Улдис Креслиншни 6:3 ва 7:5 ҳисобида енгди. Аёллар ўртасида С. Синицина ҳам дастлабки ғалабани қўлга киритди.



● **ЧИРЧИҚДАГИ «Сплав» спорт клубида физкультура ва спорт билан шуғулланаётганлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Айни пайтда уларнинг сафи 2 минг кишидан ошиб кетди. Стадион, сузиш бассейни, қайиқ ҳайдаш канали, спорт заллари улар ихтиёрига берилган.**

Суратда: оғир атлетикачиларнинг навбатдаги машғулот пайти.

Ф. Қурбонбоев фотоси.

(ЎзТАГ).

ЮРАКНИ ДАВОЛАШДА ЯНГИЛИК

— БУ ЁШ врачлар нажотсиз деб башорат қилинган қанчадан-қанча беморларни қутқариб қолишди, баъзиларини ҳатто у дунёдан қайтариб олишди,— дейди СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ кардиология Марказининг бўлим мудири профессор Ю. М. Мухарлямов.— Мана, танишинг: тўққиз кишилик группанинг етакчи врачи, 1985 йилда Ленин комсомоли мукофоти берилган Вячеслав Мареев!

Ўттиз ёшдан эндигина ошган бу врач ҳақида илк таассуротларим шундай бўлди: табассум ёйилган меҳрибон чеҳра, истеъдодли, касбига ихлосманд инсон эканлиги шундоққина билиниб турибди. Унга беморлар ниҳоятда ҳайрихоҳлик билан қарашади, қуйди-пишди, жонқуярлиги ёки ҳар вақт ёрдамга ҳозиру-нозирлиги учунми, уни «Раҳмдил фаришта» дейишади.

Вячеславни рус медикларининг тўртинчи авлоди, деб тилга олишлари бежиз эмас: бобосининг бобоси маҳаллий врач бўлган. Бобоси эса, Москва медицина институтининг директори эди. Отаси профессор, хирург бўлган. Айтгандек, хотини Галина ҳам врач.

«Тадқиқот ишларининг моҳияти нимада?» деб берилган саволга Мареев ниҳоятда юмшоқлик билан бундай деди:

— Юрак хасталиги, юрак фаолиятидаги нуқсонга янгича ёндашишдир. Етти йил муқаддам устозимиз Юрий Муҳамедович Мухарлямов турли юрак ҳуружларига қарши терапевтик даволашнинг қўшимча восита-усулларини топишни олдимизга мақсад қилиб қўйди...

Врачлар группаси тинимсиз изландилар, экспериментлар қилишди. Даволаш диагностикасидаги энг мукаммал аппаратлар, юрак фаолиятини доимий кузатувчи махсус мосламалар, ярим анализаторлар, ультратовушли асбоблардан фойдаландилар, хуллас, роса қизиқиб, фидокорона меҳнат қилдилар.

Москва кардиологлари илмий жамиятининг хулосасида:— Мазкур ишда ҳар бир конкрет ҳодисада даволашнинг самарали усулини қўллаш имконини берадиган амалий нуқтаи назардан қулай классификациялар таклиф қилинади,— дейилган.

Мареев бунга қўшимча қилди:

— Биз юрак томирларининг сиқилиши, қайта тақрорланган инфаркт-миокард, юрак ишемияси келтириб чиқарадиган оғир хасталиклар туфайли сурункали юрак нуқсони бўлган бир нечта асосий типларни ажратдик. Ҳар бир нуқсонни терапия умум принциплари бўйича асослаб бердик. Қон томирлари ва уларни даволашда биз касалликнинг диагностикасига асосий эътиборни қаратдик.

Бизга бу ерда инсон қонтомирлари кардиограммасини кўрсатишди: у дарё ва унинг ирмоқларини эслатади. Врач ҳикоясини эшитарканман, касаллик диагностикаси қандай кечишини тасаввур қилдим: ирмоқсимон томирларда учида шиширилган кичкина баллончалари бўлган митти кататер оҳиста «сузиб» юрибди. У тор жойлардан эҳтиёткорлик билан айланиб ўтади, шу йўл билан нуқсонларни тез топади ва ниҳоят, юракка бориб етади.

— Бундай аниқ диагноз қўйиш яъни муолажа қилиш учун шарт бўлган зондлаб даволашни биз тирсак венасида олиб боряпмиз, энг муҳими бу жараён оғриқсиз кечади,— деди ёш врач.

Хўш, ёш кардиолог-лауреатларнинг ўзлари юрак хасталигини даволашга қандай янгилик қўшишди?

Масалан, улар юракнинг етарли фаолият кўрсатмаганлиги натижасида тўпланадиган, организм учун ёт бўлган суюқлик билан курашда янги усул яратдилар. Доридармон наф келтирмаган ҳолларда кескин чора —механик усул таклиф қилишди. У ўз ҳаракат принципига кўра сунъий буйракни эслатади. Трубка орқали венага юборилган қон мембрана орқали ўтиладиган аппаратга йўл олади. Бунда ёт суюқлик ажралиб қолади, соғлом қон яна қон томирларга қайтади. Бу аппарат ёрдамида амалга ошириладиган усул орқали зарур пайтда 10 литргача суюқлик сўриб олиш мумкин.

— Изоляция қилинган, «фильтрлаштирилган» деб шартли равишда номланган бу янги усулнинг келажаги порлоқ. Унинг ёрдамида беморнинг нафақат юраги, ўпка ва мияси оғриганда ҳам хавфли шишлардан тозалаш мумкин,— дейди суҳбатдошим.— Аппаратнинг унча катта бўлмаган, чемодан-дипломатча келадиган портатив модели яратилган, бу ундан ҳар қандай шароитда ҳам фойдаланиш имконини беради.

Ватанимизда биринчи бўлиб юрак хасталикларига қарши қўлланиладиган этмозин ва этацизин препаратлари яратилганини айтиб ўтмоқ керак. Бу дори-дармонлар лицензиясини кўпчилик социалистик мамлакатлар, АҚШ ҳам сотиб олди.

Суҳбатимизга доктор Мареевнинг кичик ҳамкасабаси, медицина фанлари кандидати Сергей Новиков қўшилди:

— Комплекс диагностика, бемор юрак фаолиятининг ҳамма параметрларини доимо кузатиш, бир нечта мавжуд вариантнинг орасидан энг мақсадга мувофиқини танлаш имконини беради.

Касалхонамизга келтирилган, оғир юрак касалига дучор бўлган 30 ёшли москвалик бир ишчининг соғайиб кетишига сира умид йўқ эди. Икки ой давомида терапия ва барча комплекс диагностикаларни, жумладан, бир нечта изоляциялашган фильтрлаш сеансларини қўлладик. Беморнинг саломатлиги чунон яхшиландики, унда ҳатто фойдали меҳнатга қайтиш истаги туғилди. Яқинда ундан «открытка» олдик. Ўзини яхши ҳис қилаётган экан, тўйга таклиф қилибди. Унинг саломатлигининг яхшиланганлиги биз учун чинакам байрамга айланди.

Вячеслав Мареев билан суҳбатимизнинг давоми ёш кардиологнинг яқин вақтлардаги планлари, келгуси режалари ҳақида борди:

— Юрак қон-томир касалликларини даволаш бундан кейин ҳам бутун ҳаётимнинг мазмуни бўлиб қолади,— деди у.— Докторлик диссертациям мен ишлаётган шу темага бағишланади. Бизнинг, агар айтиш жоиз бўлса, ана шу мўъжаз тадқиқотларимиз тезроқ кўпчиликнинг мулки бўлиб қолишини орзу қиламан.

(АПН).

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
/«Ташкентская правда»/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

Р. 09053. Б. 1735. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12